БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 126 (1388)
28 ИЮНЬ ЯКШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин

Бугун совет ёшлари куни.

Коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган совет ёшларига шон-шарафлар бўлсин!

Ёзги дам олишни намунали ташкил этайлик

Совет кишилари етти йилликни муддатидан олдин бажариш учун курашиб, меҳнатда янги муъжизалар кўрсатмоқдалар. Етти йилликнинг муваффақияти бевосита саноат корхоналари, колхоз ва совхоз; илмий муассасалар қучоғида фидокорона меҳнат қилаётган ишчи, колхозчи ва зиёлиларимизнинг куч ва гайратига боғлиқдир. Шунга кўра меҳнаткашларнинг дам олишини яхши ташкил этиш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир. Чунки ҳар бир меҳнат аҳли дам олиш кунларида, меҳнат отпускасида ҳузур қилиб дам олса, чарчоқларини тарқатиб, янги куч, янги гайратга тўлиб, ўз постига қайтса, етти йиллик план топшириқларини бажариш учун курашда янада самаралироқ меҳнат қилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати меҳнаткашларнинг турмушини янада фаровон қилиш, уларнинг соғлигини сақлаш, доимо бақувват ва тетик бўлишлари, ҳузур қилиб дам олишлари ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Мамлакатимизда санаторий ва дам олиш уйларининг сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, уларда миллионлаб ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлилари шифоланмоқдалар, мириқиб дам олиб, бир йиллик ҳалол меҳнатларининг гаштини сурмоқдалар.

Ҳар бир совет кишиси соя-салқин, хушманзарали, ором ва ҳ жойларда, денгиз ва дарёларнинг салқини уриб турган қирғоқларида, тоғ бағрида жойлашган баҳаво, шифобахш санаторий ва дам олиш уйларига истаган вақтда бориб дам олиш ва шифоланиш имкониятига эга. Бунинг учун мамлакатимизда ҳамма шароитлар яратилиб берилган. Биргина областимизда 1000 дан ортиқ ўринга эга бўлган 5 та санаторий, 2200 дан ортиқ ўринга эга бўлган 9 та дам олиш уйи меҳнаткашлар хизматида. Областимиз меҳнаткашларидан 30 мингдан ортиқ киши бу йил санаторий ва дам олиш уйларида бўладилар, 40 дан ортиқ пионер лагерларида коммунизм қурувчи 27.100 бола дам олади. Бир қатор колхозларимизда ташкил этилган дам олиш уйларида колхозчилар ҳордиқ чиқармоқдалар. Туристик лагерлар бағрида саёҳат қилиб, жонажон ўлка билан танишаётган кишиларнинг сони тобора қўпайиб бормоқда. Бу фактлар мамлакатимизда меҳнаткашларнинг тўқ ва фаровон ҳаёт кечираётганидан далолат бериб турибди. Тўқчиликнинг кўрки, меҳнатнинг роҳати деб шуни айтадилар-да!

Областимиздаги курорт, санаторий ва дам олиш уйларида шифоланаётган ва ҳордиқ чиқараётган меҳнаткашларга яхши маданий хизмат кўрсатилмоқда, ҳар бир кишининг нормал дам олиши учун қулай шароит яратиб берилган. «Сўқоқ» дам олиш уйи ва Оқтош санаторийси шулар жумласидандир. Бу муассасаларнинг кўрсатаётган маданий-маиший хизматидан ҳамма миннатдор.

Бироқ айрим дам олиш муассасаларида аҳвол яхши эмас. Масалан, «Ўқитувчилар» дам олиш уйи талабга ҳали жавоб бера олмаётир. Бу ерда маданий-маиший хизмат яхши йўлга қўйилмаган: дам олувчилар ўртасида оммавий тадбирларни ўтказиш кўнгилдагидек эмас. Бунинг устига кун тобора исиб бораётган бир пайтда аҳолли ичиш, ювиниш учун музлек водопровод суви бўлмаслиги дам олувчиларни ранжитмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, шифоланувчи ва дам олувчиларга маданий ва маиший хизмат кўрсатиш ҳали шу кунининг юксак талаблари даражасида эмас. Транспорт хизмати яхши йўлга қўйилмаганлиги туфайли кўпгина дам олувчилар манзилга ўз вақтида етиб боролмай қийналмоқдалар, айрим дам олиш уйларида маданий-оммавий ишларнинг суст ташкил этилганлиги сабабли дам олувчилар зерикиб қолмоқдалар, қимматли вақтларини беҳуда ишларга сарфламоқдалар. Шундай бўлишига қарамай Облсовпроф ҳам, шунингдек, бу иш билан бевосита шуғулланувчи Узсовпроф ҳам шу пайтгача санаторий ва дам олиш уйларининг фаолиятини, у ерларда ишнинг қай йўсинда ташкил этилганлигини, меҳнаткашларни қабул қилишга тайёргарликни текшириб кўрмаганлар. Меҳнаткашларнинг дам олиши соҳасида йўл қўйилаётган бу ва бошқа камчиликларнинг ҳаммаси дарҳол бартараф этилиши зарур.

Меҳнаткашларнинг яхши дам олиши кўп жиҳатдан дам олиш уйлари маъмурияти ва хизмат қилувчи ходимларининг фаолиятига боғлиқдир. Шунга кўра бу муассасаларнинг маъмуриятлари ҳар бир дам олувчига нисбатан яхши муносабатда бўлиши, унинг яхши жойланиши, мазали овқат билан таъмин этилиши, мазмунли дам олиши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиши керак.

Тошкент атрофида манзарали, соя-салқин, якшанба кунлари чиқиб дам олиш мумкин бўлган жойлар кам эмас. Бундай жойларга ишчи ва хизматчиларнинг чиқишларини ташкил этиш касаба союз ташкилотларининг диққат марказида бўлсин.

КПСС Марказий Комитети «Сталин области меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва бу ишларни яхшилаш чоралари тўғрисида» деб чиқарган ўз қарорида партия ташкилотлари олдига меҳнаткашларнинг дам олишини намунали ўтказиш соҳасида катта вазифалар қўйган. Бу қарорда дам олиш ва байрам олди кунларида меҳнаткашлар олдида олимлар, ёзувчилар, санъат арбоблари ва ишлаб чиқариш новаторларининг чиқишларини ташкил этиш, ҳар хил темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиш, истироҳат боғлари ва танца майдончаларида кўнгил очиш ўйинлари ўтказиш, спорт мусобақалари уюштириш тавсия этилган. Партия Марказий Комитетининг бу кўргазмасини амалга ошира бориб, меҳнаткашларнинг унумли ишлашлари ва соғлом дам олишлари учун қулай шароитлар яратиб бериш партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Меҳнаткашларнинг ёзги дам олишини намунали ташкил этайлик!

Суратда: Тошкентдаги «Медик» дам олиш уйида ҳордиқ чиқараётганлардан бир группаси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1959 йил 26 июнда КПСС Марказий Комитети Пленумининг эрталабки ва кечки мажлислари бўлди. Пленум кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилиш давом этди.

Эрталабки мажлисда **П. М. Мельник** (Украина ССР Госплани Автоматика институтининг директори), **А. Г. Солдатов** (Пермь Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), **В. А. Кучеренко** (СССР Министрлар Совети Қурилиш ишлари Давлат комитетининг раиси), **А. А. Соболев** (Глухово ип-газлама комбинатининг директори), **Н. В. Лаптев** (КПСС Челябинск область комитетининг секретари), **А. Т. Шмарев** (Татаристон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), **И. В. Спиридонов** (КПСС Ленинград область комитетининг секретари), **М. Т. Ефремов** (КПСС Куйбишев область комитетининг секретари), **Г. И. Чоговадзе** (Грузия Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), **К. М. Симаков** (Шарқий Қозоғистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кечки мажлисда **И. Д. Мустафоев** (Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари), **В. Н. Новиков** (РСФСР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, РСФСР Госпланининг раиси), **Г. Г. Орешкин** (Днепродзержинск шаҳридаги Дзержинский номли металлургия заводининг директори), **В. К. Клименко** (Украина Коммунистик партияси Луганск область комитетининг секретари), **М. А. Дресвянкин** (Урал оғир машинасозлик заводи темирчилар бригадасининг бошлиғи), **В. Т. Забалуев** (Новосибирск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), **С. А. Мовсесян** (Арманистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), **А. А. Кольчик** (Сталино областидаги Латугин номли шахтада кўмирни тозалаб олувчилар бригадасининг бошлиғи), **Г. И. Гайле** (Латвия Халқ хўжалиги кенгашининг раиси), **М. С. Сидельников** (Сталинград трактор заводининг бош инженери) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 26 июнь эрталабдан бошлаб докладларни муҳокама қилиш давом этди.

Украина ССР Госплани Автоматика институтининг директори **П. М. Мельникка** сўз берилади. СССР халқ хўжалигини бу етти йилликда ривожлантириш планининг муваффақиятли равишда бажарилиши деди у, корхоналарнинг янги техника билан тўла таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда гап комплекс автоматлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш процессларининг сифат жиҳатидан янги формаларини вужудга келтириш, техникада ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида революцион тадбирларни амалга ошириш устида бораётир. Бу тадбирларни амалга ошириш меҳнат унумдорлигини кескин равишда, бир қанча ҳолларда эса, бир неча баравар кўпайтиришга, маҳсулот таннархини камайтиришга ва унинг сифатини оширишга, шу тариқа коммунизмнинг модий базасини вужудга келтиришга имкон беради.

Комплекс автоматлаштириш техника тараққиётининг энг юқори босқичидир. Бу тадбир автоматик контроль ва тартибга солиб туришнигина ўз ичига олиб қолмасдан, шу билан бирга ишлаб чиқариш процессларини автоматлар орқали бошқаришни ҳам ўз ичига олади. Бизнинг мамлакатимизда бунинг учун зарур шарт-шароит вужудга келтирилган.

Ўртоқ Мельник айтдики, Украинада яқин етти йил ичида бир қанча кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, кўмир саноатидаги ер ости ва ер усти ишларини, қора металлургиянинг базаси корхоналарини автоматлаштириш мўлжаллаб қўйилди.

Институт пўлатни узлуксиз қуйиб бериб турадиган установкаларни ҳам автоматлаштириш асосида такомиллаштириш ишларини олиб бормоқда. Металл қирқадиган станокларни белгилаб қўйилган программа асосида бошқарадиган аппаратлар билан таъминлаш халқ хўжалиги учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Институтнинг илмий ходимлари токарь-револьвер станокларини белгиланган программа асосида бошқаришнинг янги оригинал системасини Киев заводларидан бири билан ҳамкорликда ишлаб чиқдилар. Бундай станок Украина ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида кўргазмага қўйилган.

Ёқилғи билан ишлайдиган агрегатларни ва бошқа установкаларни автоматик бошқариш системаси бу етти йилликда кенг қўлланилади. Украина Автоматика институтининг ходимлари энергетика системаларини ва электростанцияларни автоматлаштиришнинг бир қанча жуда муҳим масалаларини ҳозирги вақтда бошқа бир қанча илмий коллективлар билан биргаликда ҳал қилмоқдалар.

Сўнгра, Пермь Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **А. Г. Солдатов** сўзга чиқиб айтдики, партия Марказий Комитетининг ташаббуси билан 1957 йилда саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги ишлаб чиқариш резервларидан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш ва меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ошириш учун қулай шароит яратиб берди. Ишлаб чиқариш тажрибаларини актив равишда айирбошлаш бошланди, корхоналар ўртасида мустаҳкам техника алоқалари ўрнатилмоқда. Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик заводларининг конструкторлик бюроларини техника масалаларини ҳал қилиш ишига тортиб, улардан яхшироқ фойдаланадиган бўлиб қолди. Иқтисодий район ичидаги корхоналарнинг ўзаро муносабатларида жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

«Ўртоқ Солдатов Владимир ва Свердловск Халқ хўжалиги кенгашлари корхоналари коллективлари бошлаган ташаббуснинг саноатни янада ривожлантириш учун бўлган аҳамиятига муфассал тўхталиб ўтди. Шу муносабат билан областда бу ташаббуслар қандай қилиб қувватланганлиги ва қандай чоралар кўрилганлиги ҳақида гапирди.

Пермь иқтисодий районининг, деди ўртоқ Солдатов, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш лойиҳаларини ишлаб берадиган ўзининг ривожланган илмий базаси ва ташкилотлари йўқ. Ўтган йил Халқ хўжалиги кенгаши завод лабораторияларини ҳамда тажриба-эксперимент цехлари ва участкаларини кучайтирди. Бу йил лабораторияларда ва эксперимент цехларида ишловчиларнинг сонини яна 1.000—1.200 киши миқдорида кўпайтириш мўлжалланади. Бироқ, деди нотиқ, бу тадбирлар областда илмий-текшириш институти ташкил этиш масаласини кун тартибидан олиб ташламайди. Илмий ташкилотлар ва лойиҳаловчи ташкилотлар иш методларини, биринчи навбатда, ўз фаолиятларини бир-бирига уйғунлаштириш, ўз ютуқлари ҳақида бир-бирларини хабардор қилиб туриш ҳамда ускуналарни модернизация қилишнинг умумлаштирилган типдаги лойиҳаларини тузиб чиқиш йўли билан тубдан яхшилашлари лозим.

СССР Госстройининг раиси **В. А. Кучеренко** сўзга чиқиб, капитал қурилишда катта силжиш рўй берганлигини кўрсатувчи маълумотларни айтиб берди. Ўтган ўн йил ичида Америкада бинокорларнинг меҳнат унумдорлиги атиги 20 процент кўпайган бўлса, бизнинг мамлакатимизда бинокор ишчининг иш унуми икки баравардан зиёдроқ кўпайди. СССРда саноатнинг янги тармоғи — йирма темир бетон ишлаб чиқарувчи тармоқ вужудга келтирилди. Бу эса қурилишда ишларни индустрлаштириш даражасини оширишга ва меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни камайтиришга ҳал қилувчи таъсир ўтказди.

Бинокорлар, деди ўртоқ Кучеренко, 1965 йилда 1958 йилдагига қараганда тахминан 60 процент кўп иш бажариб беришлари керак. Айни вақтда, ишчиларнинг умумий сони ўзгармасдан ўз ҳолида қолади. Демак, етти йил ичида қурилиш ишлари ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланиши лозим. Кўп қурилишларимиз қурилиш ишларининг ташкил этилиши ва индустрлаштирилиши жиҳатидан АҚШдаги, Англиядаги ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги қурилишларда бўлган даражадан анча юқори даражада туради. Бироқ, ҳозиргача бизда қурилишга сарфланаётган меҳнат АҚШдагига қараганда ошиқроқдир.

Эндиликда, аввало, транспорт ишларини, юклаш ва юк тушириш ишларини комплекс механизациялаштиришни анча яхшилаш йўли билан, шунингдек норуда материалларни қазиб чиқаришни ва қайта ишлашни механизациялаштириш йўли билан қурилишда меҳнат унумдорлиги кескин равишда оширишни лозим. Мамлакатнинг ҳали унчалик гавжум бўлмаган Шарқ районларидаги қурилишларда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни камайтириш ва қурилишнинг қимматини пасайтириш масаласи, айниқса кескин масала бўлиб турибди. Бу етти йиллик қурилишга ажратилган барча капитал маблағларнинг 40 процентини мамлакатнинг Шарқ районларидаги қурилишларда сарфланади.

Кейинги йилларда индустриал енгил материаллар ва конструкциялар: маҳкамланган темир бетон, йирик панеллар, изоляция материаллари, асбест-цемент конструкциялар ва шу кабиларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қўлланиш чоралари кўрилди.

Нотиқ қурилишларни материал-техника билан таъминлашнинг ҳозирги системасини тубдан яхшилаш зарурлигини айтди. Бизнинг бинокорларимиз ва монтажчиларимиз, деди ўртоқ Кучеренко, материаллар ва ускуналар билан ўз вақтида таъминлаб турилса, қурилишни американкаликдарга қараганда анча тез битказишлари мумкинлигини исбот қилдилар.

Оммавий қурилишнинг кўпчилик объектлари учун, деди Госстрой раиси, типовой проектлар ишлаб чиқилди. Қурилиш ишларининг ярмидан кўпроғи ана шу типовой проектлар асосида бажарилмоқда. Бу проектлар муттасил такомиллаштирилмоқда. Типовой конструкцияларимизнинг кўпи чет эллардаги шундай конструкцияларга қараганда тежамлидир.

Ўртоқ Кучеренко қурилиш қимматини камайтириш учун курашда лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг катта роли борлигини эслатиб, дедики, бу ташкилотларнинг катта тажрибаси ва жуда яхши инженер кадрлари бор, булар тараққиётимизнинг ҳамма босқичларида техникани тараққий эттириш учун курашувчиларнинг олдинги сафида бордилар. Дастлабки қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, қурилишларнинг лойиҳаларини тузиш вақтида қурилиш қийматини тахминан 10 процент камайтиришга имкон берадиган чораларни кўриш мумкин. Шу йўл билан етти йил ичида бир неча ўн миллиард сўмни тежасак бўлади.

Москва областидаги Глухово ип-газлама комбинатининг директори **А. С. Соболев** сўзга чиқиб айтдики, комбинат ходимлари партия Марказий Комитетининг Пленуми чақирилиши тўғрисидаги хабарни эшитиб жуда хурсанд бўлдилар. Натижада социалистик мусобақа янада зўр куч билан авж олиб кетди. Комбинат коллективи етти йиллик планни ишлаб чиқариш даражаси бўйича 5 ярим йилда бажаришга қарор қилди. Коллектив янги техникани ишлаб чиқаришга қунт билан жорий қилиб, автоматика ва механизацияни кенг қўлланиб, ишлаб чиқаришни планда мўлжалланганига қараганда анча тез суръатлар билан ривожлантиришга муваффақ бўлди. Комбинат биринчи ярим йил планини умуман олганда муддатидан олдин 22 июнда бажариб бўлди. Шу билан бирга, меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига қараганда 10 процент оширилди.

Нотиқ тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг бир қанча конкрет масалаларини қўйди. Областдаги корхоналарнинг кўпчилиги, деди у, бундан юз йил муқаддам ва ундан ҳам олдин қурилган корхоналардир. Собиқ министрлик капитал маблағларнинг катта қисмини янги фабрикалар қуришга сарфлай берди, эски тўқимачилик корхоналари қаровсиз ҳолда қола берди. Шу сабабли, бу корхоналарни реконструкция қилиш соҳасида анча иш қилишга тўғри келади. Қилинган ҳисоблар шуни кўрсатадики, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириб, улардаги ускуналар модернизация қилинганда, ҳар бир янги урчуқ 253 сўмга тушади, аммо, янги фабрикалар қурилганида ҳар бир янги урчуқ тўрт баравар қимматга тушади.

Сўнгра, нотиқ мамлакат тўқимачилик саноатининг йирик маркази бўлган Москва областида бир неча йигирув-тўқув фабрикаларини пахтанинг паст сортларини ва чиқиндиларини қайта ишлайдиган қилиб ихтисослаштириш керак, деган масалани қўяди. Бу эса, қолган фабрикаларда анча юқори сифатли калава ип ва газлама чиқаришга, шу билан бирга, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон беради. Ўртоқ Соболев Халқ хўжалиги кенгаши системасидаги заводлардан бирини ихтисослаштириб ва махсус конструкторлик бюросини ажратиб, тўқимачилик корхоналарини механизациялаштириш масалалари билан шуғулланадиган қилиш керак деган таклифни ҳам киритади. Ҳозирги вақтда бу масалаларни, деди нотиқ, ҳали ҳам кўпинча ҳар қайси корхона ўзича ҳал қилмоқда.

Пировардида, ўртоқ Соболев партия Марказий Комитетидан тўқимачиларга уй-жой бинолари қуришни кўпайтиришда ёрдам кўрсатишни илтимос қилди.

Челябинск область партия комитетининг биринчи секретари **Н. В. Лаптев** сўзга чиқиб, бундай деди: Техникани тараққий эттириш шундай бир воситаки, халқимиз шу восита ёрдами билан Коммунистик партия раҳбарлигида етти йилликда мўлжалланган маррага етиб олади.

Нотиқ область саноатини янада юксалтириш, уни техника билан таъминлаш соҳасида қилинаётган катта ишларни гапириб берди. Жумладан, Магнитогорск металлургия комбинатида иккита домна печида агломерат солиб туриш ишлари биринчи марта автоматлаштирилди, прокат станларининг асосий ускуналарини комплекс автоматлаштириш ва механизациялаштириш ишлари ўтказилди. Ҳозирги вақтда Магнитогорск комбинатида ҳажми 1.386 кубометр бўлган домна печларида кунига 2.300—2.400 тонна чўян эритиб олинмоқда, бу домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти 0,605-0,580 га етказилди, ваҳоланки Америка Қўшма Штатларида ҳажми 1.810 кубометрлик домна печлари кунига 1.800—1.950 тонна чўян эритиб бермоқда. Ҳозирги вақтда комбинатда телевидениедан ишлаб чиқаришда фойдаланилмоқда, автоматик контролнинг контактсиз усулдари ва бошқа янгиликлар татбиқ қилинмоқда.

Ўртоқ Лаптев металлургия ва кончилик корхоналари, машинасозлик заводлари ускуналарининг лойиҳаларини тузиб берайтган ташкилотлар ишини танқид қилди. Нотиқ дедики, бу ташкилотлар ўз лойиҳаларининг сифати учун на моддий, на маънавий масъулият сезмаётирлар. Бунинг натижасида, ҳатто, лойиҳаларнинг принципиал схемаларида ҳам Ватанимиз ва чет эл техникаси эришган тажрибалар ва фан муваффақиятлари акс эттирилмаётир. Лойиҳалаш ташкилотларини кучайтириш зарур. Иқтисодий районларда лойиҳалаш ташкилотлари тузиш, уларнинг иш сифати учун бўлган масъулиятини ошириш, ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган лойиҳаларни чиқаришни ва тасдиқлашни тақиқлаб қўйиш зарур.

Пировардида, нотиқ область партия ташкилотининг иш тажрибаларини гапириб, илғор технологияни, комплекс механизация ва автоматизацияни жорий қилишга кўп эътибор берилаётганлигини айтиб ўтди.

Татаристон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **А. Т. Шимарев** ўз нутқида асосан нефть саноатини ривожлантиришга тааллуқли масалаларга тўхталди. У айтдики, етти йиллика бизнинг мамлакатимизда суюқ ёқилғи чиқариш 120 миллион тоннага етказилмоқчи, унинг анча қисмини Татаристон бериши лозим.

Нефть саноатида берилган капитал маблағларнинг 30 проценти, деди нотиқ, пармалаш ишларига сарфланмоқда. Шу сабабли, кон-қудуқлар сонини камайтириш ва пармалаш қимматини арзонга тушириш катта аҳамиятга эгадир. Кон қудуқлари атрофига кучли босим билан сув юбориш усулини қўлланиш туфайли, кон қудуқларининг сонини камайтириш мумкин, бу усул нефть қатламларида зарур босим бўлишини таъминлайди. Мамлакатнинг Шарқ районларида, жумладан, Татаристонда ҳам ҳамма нефть конларидан шу усул билан нефть чиқарилмоқда. Бу прогрессив методни қўлланиш, шунингдек иш процессларини автоматлаштириш натижасида, республика промисловларида 1958 йилда чиқарилган нефтни ҳар бир ишчига ҳисоблаганда, Америка Қўшма Штатларидагидан икки баравар ошиқ бўлди. Бу йил республика янги, Зайкарзтай нефть промислосини қуришга киришади. Бу нефть кони мамлакатда тўла равишда автоматлаштирилган биринчи промисло бўлади. Шу промислодаги нефтни илгариги усул билан чиқариш, ташкил этилганида, 5.700 конқудуқ очиш керак бўлур эди, автоматлаштириш жорий қилинганлиги сабабли, нефть чиқариш учун бу промислода фақат 165 та кон-қудуқ пармаланади, холос.

Етти йиллик давомида Татаристон катта кимё саноатининг энг йирик районларидан бири бўлиб қолади. Ўртоқ Шимарев дедики, республиканинг ҳом ашё ресурсларидан энг мукаммал фойдаланиш мақсадида, иқтисодий районни ривожлантириш планига ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

КПСС Ленинград область комитетининг секретари **И. В. Спиридонов** етти йиллик планнинг улуғвор вазифаларини муддатидан олдин бажаришга меҳнаткашларни сафарбар қилиш соҳасида партия ташкилоти катта ишлар қилганлигини айтиб берди.

КПСС Марказий Комитетининг свердловскликлар ташаббуси тўғрисидаги қарори қизғин равишда кутиб олинди. Улар, деди ўртоқ Спиридонов, ишлаб чиқаришнинг етти йилликнинг охирги йилига планлаштирилган даражасига муддатидан олдин, янги 1964 йилда эришишни таклиф қилдилар. Ленинград иқтисодий районининг меҳнаткашлари бу ташаббусни қувватлаб, меҳнат унумдорлигини ошириш планини ҳам муддатидан олдин бажариш ҳамда 1959-1961 йилларда 1.600 дан кўпроқ машина ва асбобларни янги замонавий конструкциялар билан алмаштириш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. КПСС Марказий Комитети бу ташаббусни маъқуллади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Рационализаторлик ва ихтирочилик меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда оммавий қатнашаётганлигини ва халқ ижодкорлигини кўрсатувчи ёрқин далилларнинг биридир. Ҳозир Ленинград шаҳрида ва областида ҳар беш ишчидан бири новатор ва рационализатор ҳисобланади. Шаҳар корхоналарида етти йилликнинг рационализаторлик фондини тузиш ҳаракати кенг авж олиб кетди. Рационализаторлар ва ихтирочилар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш туфайли тежалган бир неча юз миллион сўмни шу фондга ҳисса қилиб қўйиш мажбуриятини олдилар.

Нотиқ дедики, янги, прогрессив ташаббусларнинг ҳаммаси унчалик силлиқ йўл билан рўёбга чиқаётгани йўқ. Шуни назарда тутиб, Ленинграднинг Калинин район партия комитетида янги техникани пропаганда қилмоқ ва новаторлар тажрибасини ёймоқ учун техника кенгаши ва техника кабинети тузиш фикри туғилди. Бундай ташкилотлар тузиш ҳақиқатан ҳам тўғри иш бўлиб чиқди. Эндиликда бундай ташкилотлар Ленинграддаги ҳамма саноат районларининг партия комитетлари ҳузурида тузилди. Техника кенгашининг район партия комитети бюросида тасдиқланган тавсиялари партия қарори кучига киради ва янги техникани муваффақиятли равишда жорий қилишга ёрдам бермоқда.

Комплекс механизациялаштиришни ва автоматлаштиришнинг радиоэлектроникани ва атом энергиясини кенг қўлланиш, деди сўнгра, Ўртоқ Спиридонов, ишчиларнинг маданий-техника савияси тағин ҳам юқори бўлишини талаб қилади. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина Ленинградда 120 мингдан кўпроқ ишчи ўз малакасини ошириб. Бир қанча корхоналарда кадрларнинг малакасини етти йил ичида оширишнинг перспектив планлари ишлаб чиқилди.

Ўртоқ Спиридонов ўз нутқининг охирида бундай деди: Сўзга чиқанларнинг баъзилари автоматика ва механизация воситаларини ишлаб чиқаришни марказлаштириш керак, деган таклиф киритдилар. Шу мақсад учун Ленинград Халқ хўжалиги кенгашининг саноати етти йил ичида ташкил этилган бир миллиард сўмлик ҳар хил асбоблар бериш тайёрдир. Нотиқ бошқа халқ хўжалиги кенгашлари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлайдилар ва шу тариқа СССР Госплани автоматлаштириш ва механизациялаштириш воситаларининг марказлаштирилган фондига эга бўлиб қолади, деб умид билдирди.

КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари **М. Т. Ефремов** сўзга чиқиб, айтдики, Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари чиқараётган саноат маҳсулотининг ҳажми етти йиллик планга кўра икки ярим баравар кўпаяди ва маҳаллий саноат корхоналари чиқараётган саноат маҳсулотининг ҳажми 1,7 баравар кўпаяди. Маҳсулот чиқаришдаги бу ўсишнинг 76 проценти ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига ҳосил қилиниши керак. Ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаштиришни бутун чоралар билан жорий қилиш негизидагина, деди Ўртоқ Ефремов, шундай ўсишга эришиш мумкин. Партия ташкилоти корхоналарда ўзининг ташкилотчилик ишларини мана шу мақсадни кўзда тутиб олиб бормоқда. Натижада 1958 йилда янги машиналар, механизмлар ва бошқа ускуналарнинг 250 та типи яратилди ва жорий қилинди.

Саноатнинг турли тармоқларида механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг янги схемаларини қўлланишда намуна бўлиши лозим бўлган корхоналар ажратиб қўйилди. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишга илмий ходимларни тортиш мақсадида техника ўқув юртлари ҳузурида лабораториялар ташкил этилди. Бу лабораториялар иқтисодий район корхоналари учун катта аҳамиятга эга бўлган техника проблемаларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда.

Ўртоқ Ефремов ускуналарни модернизация қилиш масалалари жуда муҳим вазифа эканлигини айтиб, СССР Госплани бу ишга марказлаштирилган тартибда зарур материаллар ажратиши керак, деган масалани қўяди.

Нотиқ ўз нутқида нефть саноатига катта ўрин берди. Нефть ва газ чиқаришни ривожлантиришнинг етти йилликда мўлжалланган суръатини таъминламоқ учун, деди Ўртоқ Ефремов, 7 миллион метрга яқин кон-қудуқ пармалаш зарур. Пармалаш ишларини ҳозирги мавжуд техника билан ўтказадиган бўлсак, қўшимча миқдорда жуда кўп пармалаш ускуналари керак бўлади. Область партия комитети ва Халқ хўжалиги кенгаши бу проблемани ҳал қилиш билан шуғулланиб, нефть, саноатида кучли газ-турбина двигателларни жорий қилишни таклиф этди. Пармалаш учун ишлатиладиган пўлат трубаларни алюминий трубалар билан алмаштириш тўғрисида ҳам таклиф киритилди.

Грузия Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **Г. И. Чоговадзе** сўзга чиқиб айтдики, республика гидростанцияларини автоматлаштириш учун анча иш қилинди. Ҳозирги вақтда энергетиклар барча электростанцияларни ва подстанцияларни қисқа муддат ичида батамом автоматлаштириш вазифасини ўз олдиларига қўйдилар. Металлургларга айрим процессларни ва бутун-бутун цехларни механизациялаштиришни ва автоматлаштиришни давом эттирмоқдалар. Зостафон ферросплавчилари ниҳоят даражада соф электролит марганец ишлаб чиқаришни такомиллаштирмоқдалар.

Ўртоқ Чоговадзе илғор технология учун курашда фаннинг ўйнаётган роли тўғрисида мароқли маълумотларни айтиб берди. Асбобсозлик ҳамда автоматлаштириш воситалари илмий-текшириш институти ва махсус конструкторлик бюроси катта аҳамиятга эга бўлган бир қанча асбоблар, аппаратлар ва машиналарни яратиб бердилар. Чунончи: бу йил Закавказье металлургия заводида математик машина ишлаб чиқариш процессига киритилади. Бу машина домнага шихта солиш вақтида газ ёриб чиқишини олдиндан хабар қилиб туради. Шихтанинг ва вагранкадаги иссиқлик режимининг ҳисобини чиқариб берадиган ҳисоблаш машиналари, тупроқ характерини белгилаб берадиган асбоблар, катта музхоналардан фреон чиқиб кетаётганлигини кўрсатиб берадиган автомат асбоблар ва бошқа кўпгина асбоблар яратилди. Бундай техникани қўлланиш катта иқтисодий самара беради. Чой баргини сунъий равишда сўлитиш учун ишлатиладиган машинани қўлланишнинг ўзигина давлатга бир неча ўн миллион сўмни тежашга имкон беради.

Шу билан бир вақтда нотиқ айтдики, саноатнинг айрим тармоқларида меҳнатни кўп талаб қиладиган бир қанча ишлар ҳали ҳам унчалик ёки бутунлай механизациялаштирилган эмас. Нотиқ давлат синовларидан ўтказилганида, яхши иқтисодий натижалар берганлиги аниқланган ускуналар, асбоблар ва автоматлаштириш воситаларини кўплаб ишлаб чиқаришни жуда қисқа муддат ичида ташкил этишни таклиф қилди.

26 июндаги ярталабки мажлиснинг охирида сўзга чиққан нотиқ — Шарқий Қозоғистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **К. М. Симаков** айтдики, бу иқтисодий районнинг меҳнаткашлари корхоналарнинг техника даражасини оширишга, уларнинг резервларидан ва табиий бойликларидан тағин ҳам тўлиқ фойдаланишга эришмоқдалар. Областда йирик кон-бойитиш ва металлургия комбинатлари бўлган рангли металлургия тармоқлари ривожланмоқда. Бу комбинатлар қўрғошин, рух, кадмий ва бошқа маҳсулотлар бермоқда. Рангли металлар ишлаб чиқариш соҳасида Шарқий Қозоғистон области мамлакатда жуда катта ўрин олиб турибди.

Ўртоқ Симаков Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарининг коллективлари ярим йиллик планни муддатидан олдин бажарганликларини айтиб ўтди. У, кончилик саноатини янада ривожлантириш учун кўрилаётган чораларни айтиб берди. Кон қазиш ишларининг тезлигини кескин равишда ошириш, деди у, асосий ҳал қилувчи вазифадир. Бу участкада меҳнат унумдорлиги ҳали ҳам паст, чунки механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг кўпгина воситалари йўқ. Нотиқ рангли металлургия корхоналари учун керакли ускуналарни кўплаб ишлаб чиқаришни ташкил этишни таклиф қилди.

Халқ хўжалиги кенгашининг раиси дедики, кон-бойитиш ишларини энг кўп даражада механизациялаштириш ва автоматлаштириш ишлатиш учун рентабель эмас деб, ҳисобланаётган конларни очиб, шу конлардан иқтисодий манфаат берадиган қилиб фойдаланишга ҳамда таркибида метали кам бўлган рудалардан кўп миқдорда фойдаланишга имкон берган бўлур эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, фақат рудали Олтойнинг ўзидагина қиммати қазилмаларнинг запаси автоматик равишда 60 процент кўпайган бўлур эди.

* * *

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 26 июндаги кечки мажлиси Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Д. Мустафоев** нутқи билан бошланди.

КПСС Марказий Комитети Пленумига тайёргарлик даври, деди у, Озарбайжонда муҳим саноат объектларини, шу жумладан, «250» маркали труба-прокат станини ва сунгаи алюминий заводининг учинчи корпусини ишга тушириш билан нишонланди. Бокуда катта шина заводини, алюминий заводининг тўртинчи корпусини ва Боку камволь комбинатини ишга тушириш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўртоқ Мустафоев дедики, республикада кимё саноатини жадал ривожлантириш учун бутун шароит вужудга келтирилди: юқори сифатли хомашё, кучли биноқорлик ташкилотлар, яхши кадрлар, илмий-текшириш ташкилотлари бор. Бироқ, ускуналар ва лойиҳа ҳужжатлари ўз вақтида олинмаётганлиги қурилиш суръатларини сусайтирмоқда. Қурилишларни материал-техника билан таъминлаш ишида, деди нотиқ, қаттиқ давлат тартиби ўрнатмоқ керак.

Ўртоқ Мустафоев газ ва нефть саноатини ривожлантиришга тўхталиб айтдики, республикада ўтказилган геология-қидириш ишлари натижасида юқори сифатли нефтнинг жуда кўп запаслари борлиги аниқланди. Нефть ва газнинг жуда бой янги конлари гоят чуқур қатламлардан топилмоқда. Нефть ва газ чиқаришни янада кўпайтирмоқ учун жуда чуқур кон-қудуқларни пармалаш, албатта, зарур бўлиб қолмоқда. Аммо, бундай чуқурлик пармалашнинг кўпгина масалалари шу кунгача ҳал қилингани йўқ. Биринчи галда, пармаловчи асбоблар ва аппаратларнинг сифатини яхшилаш масаласи ҳал қилингани йўқ, чунки булар техника жиҳатидан ҳозирги куннинг талабларига жавоб бераролмаяпти.

Нотиқ кичик ва диаметри камайтирилган кон-қудуқларни пармалашга ўтишнинг муҳимлигини таъкидлади. Тегишли пармалаш ускуналари етишмаётганлиги бу усулга ўтишни тўхтатиб турибди.

Ўртоқ Мустафоев ўз нутқининг охирида айтдики, Озарбайжон саноат корхоналарининг коллективлари Владимир ва Свердловск Халқ хўжалиги кенгашлари саноат корхоналари меҳнаткашларининг чақиригига жавобан умуман бутун республикада ишлаб чиқаришнинг 1965 йил учун белгиланган даражасига 1964 йилдаёқ эришиш мажбуриятини олдилар.

РСФСР Госпланининг раиси **В. Н. Новиков** ўқтириб айтдики, КПСС Марказий Комитети жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб борганлиги натижасида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш соҳасида ижодий иш қилиш кенг авж олиб кетди. РСФСР саноати олти ойлик программани 24 июнда бажарди.

Қурилиш ва саноат тобора ялгидан-янги механизмлар ва машиналар билан таъминланмоқда. Кейинги етти йил ичида РСФСР саноатида меҳнат унумдорлиги ўрта ҳисобда йилига 6,7 процентдан кўпайди. Бундан бўён иш куни мўлжалланган миқдорда қисқартирилиши ҳисобга олинган тақдирда ҳам, меҳнат унумдорлиги етти йилликнинг ҳар йилида ўрта ҳисобда 10 процентдан зиёдроқ ошиб борши лозим.

Ҳозирги вақтда, деди сўнгра Ўртоқ Новиков, саноат асосий тармоқларининг деярлик ҳаммасида автоматлаштириш масалаларини техника жиҳатидан ҳал қилиш йўллари топилди. Ўртоқ Новиковнинг фикрича тегишли илмий ва конструкторлик ташкилотларининг яқин икки-уч йил ичидаги асосий вазифаларидан бири шу бўлиши керакки, улар асосий процесслар ва йирик агрегатларнинг ҳаммаси учун автоматлаштиришнинг энг прогрессив схемаларини танлаб бериш лозим.

Нотиқ ўз нутқининг катта қисмини саноатдаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалаларига бағишлади. Россия Федерациясида ишчиларнинг сони кам бўлган корхоналар ҳали ҳам кўп. Баъзи тармоқларда ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ишчига кўмакчи операцияларни бажараётган биттадан киши тўғри келади. Шу сабабли корхоналарни дадиллик билан йириклаштира бориш керак.

Днепропетровск областидаги Дзержинский номли завод директори **Г. Г. Орешнин** сўзга чиқиб айтдики, металлурглар ўз имкониятларини ҳар томонлама ҳисоблаб чиққанларидан кейин, ишлаб чиқаришни 1965 йилга мўлжалланган даражасига икки йил олдин эришишга қодир эканликларини билиб олдилар.

Завод коллективи мураккаб техника проблемаларини ҳал қилаётган ишчилар ва инженерлар тинмай ижодий активлик билан ишлаётганликлари туфайли, ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш резервларини топди. Домна печларида табиий газ ва кислороддан комплекс фойдаланишда эришилган биринчи тажрибанинг ўзи домна печларининг иш унумини анча ошириш, кокснинг сарфланишини камайтириш, чўяннинг таннархини арзонга тушириш мумкинлигини кўрсатди. Заводда агломерация ишлаб чиқариши жараёнида оҳак тошни қуйдириш учун ишлатиладиган машиналарнинг янги типи вужудга келди. Табиий совуқ газ билан ишлайдиган тенгги йўқ янги мартен печи қиздирила бошлади. Бу печь учта эски мартен печи ўрнига қурилди. Бу эски печларда 360 киши ишлаб, кунига 400 тонна пўлат эритиб берар эди. Янги печда эса 60 — 70 киши хизмат қилади, аммо, булар металлни анча кўп берадилар. Рельснинг бутун узунлиги бўйлаб головкасини тоблаш йўли билан рельсларни термик усулда ишлаш методи ўзлаштирилмоқда. Шундай метод билан ишлаш рельснинг пишиқлигини анча оширади.

Украина Коммунистик партияси Луганск область комитетининг биринчи секретари **В. К. Клименко** ўз нутқида дедики, бу иқтисодий районнинг меҳнаткашлари баъзи ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштирганликлари ва автоматлаштирганликлари, меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив формаларини жорий қилганликлари давлат планини муддатидан олдин бажаришларига анча ёрдам берди. Кўп шахталарда вагончаларни ҳайдовчилар касби батамом йўқотилди. Уларнинг ўрнини машиналарни бошқарувчи операторлар олди. Область кимё саноатида ишлаб чиқаришни автоматлаштирмоқ учун кўп ишлар қилинди. Область кимё саноати корхоналари 300 га яқин номда ҳар хил маҳсулотлар чиқармоқда. Шулар орасидан 40 номдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш кейинги бир ярим йил ичида ўзлаштирилди.

Сўнгра, ўртоқ Клименко Лисичанск кимё комбинати коммунистларининг ташаббуси тўғрисида гапирди. Бу комбинат коммунистлари энг қимматли ўғит бўлган мочевина ишлаб чиқарувчи цехнинг қувватини модернизация ва реконструкция қилиш йўли билан бир неча баравар кўпайтиришни таклиф қилдилар. Бу ташаббусни Украина Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Украина ССР Министрлар Совети қўлватлади. Нотиқ партия Марказий Комитетидан Лесичанск коммунистларининг таклифларини амалга оширишга ёрдам кўрсатишни илтимос қилди. Нотиқ СССР Госплани ва Йўллар министрлиги тепловозлар ишлаб чиқаришни рационализациялаштиришга тааллуқли масалаларни тезроқ ҳал қилиб бериши керак, деган масалани қўйди. Бу масалаларни тезроқ ҳал қилиш мамлакат учун кўпгина қора ва рангли металлни тежашни таъминлайди.

Нотиқ айтдики, область меҳнаткашлари Владимир ва Свердловск меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббусларини яқдиллик билан қувватлаб, ишлаб чиқаришнинг етти йиллик охири учун планлаштирилган даражага 1964 йилда эришиш мажбуриятини олдилар. Областдаги кўпгина илғор коллективлар бу даражага муддатидан бир йил олдин эмас, балки икки йил олдин эришишга қарор қилдилар.

Шахтёрлар ўз зиммаларига масъуллиятли мажбуриятлар олдилар. Улар кўмир саноатининг ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш ва кенгайтириш учун ажратилган капитал маблағлардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланиш йўли билан етти йиллик планни ишлаб чиқариш даражаси бўйича олти йилда бажаришга қарор қилдилар.

Урал оғир машинасозлик заводи темирчилар бригадасининг бошлиғи **М. А. Дресвянкинга** сўз берилади. У, Пленум қатнашчиларига мурожаат қилиб, бундай деди:

— Мен Уралмаш заводининг оддий ишчиси, темирчисиман. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети Пленумида қатнашиш ва мамлакатимиз халқ хўжалигини техника жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш имконияти берилганлигини ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман.

Ўртоқ Дресвянкин ўз бригадаси партия XXI съезднинг тарихий қарорларини қандай қилиб кутиб олганлигини гапириб берди. Ишчилар меҳнат унумдорлигини янада оширмоқ учун, етти йиллик планни муддатидан олдин бажармоқ учун нималар қилиш мумкинлигини муҳокама қилиб, ҳал қилиб қўйдилар. Темирчилардан иборат ўн бригада етти йиллик топшириқни беш йилда бажаришга киришди. Биз, деди Уралнинг бу ишчиси, ўз зиммамизга оширилган мажбуриятлар олиб, мамлакатнинг ҳамма машинасозларига мурожаат қилдик ва уларни бизнинг ташаббусимизни қувватлашга чақирдик. Уралмаш заводида бир неча минг ишчи топшириқларни муддатидан олдин бажариш ҳаракатига қўшилди, 112 бригада ва 15 смена коммунистик бригада ва смена деган ном олиш учун курашмоқда.

Партия XXI съезди ва бу Пленум томонидан қўйилган вазифалар, деб давом қилди ўртоқ Дресвянкин, бизнинг зиммамизга ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштиришни ва автоматлаштиришни янада кенг авж олдириш бурчини юклайди. Биз бу соҳада катта ишлар программасини амалга ошира бошладик.

Урал заводининг темирчиси ўз нутқида материаллар етказиб бериш масаласига ҳам тўхталиб ўтди. У дедики, бизнинг қувватимиз ўз маҳсулотларини Москвага, Ленинградга, Харьковга юбориб туради. Аммо, шу шаҳарларда ҳам Уралмаш завод цехи сингари ускуналанган цехлар бор. Шу сабабли, ўша цехлар биз юбораётган деталларни ўзлари бемалол ясашлари мумкин.

Уралмашчилар партия Марказий Комитетини ва ҳукуматни ишонтириб айтадиларки, биз янада қунт билан меҳнат қиламиз ва етти йиллик топширигини муддатидан бир йил олдин бажарамиз.

Новосибирск Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **В. Т. Забалуев** сўзга чиқиб айтдики, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш маҳсулот чиқаришни кўпайтиришгагина имкон бериб қолмасдан, шу билан бирга, одамнинг меҳнатини ҳам енгиллаштиради, бизнинг мамлакатимизда халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси янада юқори бўлиши учун, жаҳонда энг қисқа иш куни, энг қисқа иш ҳафтаси бўлиши учун зарур шароитни вужудга келтиришга имкон беради.

Новосибирск иқтисодий райони, деб давом қилди нотиқ, мамлакатимизнинг Шарқидаги энг катта индустриал база бўлиб қолди. Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ҳар йил халқ хўжалиги учун жуда кўп миқдорда янги техника ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда.

Ўртоқ Забалуев, жумладан, шуни айтиб ўтдики, Ефремов номидаги заводда металл йўнадиган ва тенгги йўқ станок лойиҳаси ишлаб чиқилди ва уни ишлаб чиқариш ҳозир ўзлаштирилмоқда. Кучли пресс лойиҳасини ишлаб чиқиш тамомланди. Бу пресснинг оғирлиги худди шундай қувватга эга бўлган амалдаги прессларникидан икки баравар қам бўлади. Турбогенератор заводининг конструкторлик бюроси суюқлик билан совутиладиган ва 300 минг киловатт қувват берадиган генераторнинг лойиҳасини тузмоқда. Лойиҳалаш-конструкторлик ва илмий-тадқиқот ишларининг ҳажми 1959 йилда бир ярим баравардан зиёдроқ ортади.

Иқтисодий районимиздаги саноат қурилишларининг лойиҳаларини тузиш билан ҳозирги вақтда Новосибирск шаҳрида 20 дан кўпроқ ташкилот ва бошқа шаҳарларда ҳам яна шунча ташкилот шуғулланмоқда. Бунинг натижасида катта қийинчиликлар туғилмоқда ва қурилиш кўпинча қимматга тушмоқда. Ўртоқ Забалуев дедики, саноат қурилиши лойиҳаларини тузишни Халқ хўжалиги кенгаши системасидаги бир ташкилотга топшириб қўйиш керак.

Арманистон Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **С. А. Мовсесян** ўз нутқида мавжуд резервларни кенг равишда қидириб топиб, ишлаб чиқаришда хизмат қилдириш кераклиги тўғрисида гапириб айтдики, республикада фойдаланилмасдан ётган ёки етарлик равишда фойдаланилмаётган 60 минг квадрат метрга яқин ишлаб чиқариш майдонлари борлиги аниқланди. Шу майдонларда янги корхоналар, асосан машинасозлик ва асбобсозлик корхоналари ташкил этилмоқда. Иш процесслари механизациялаштирилмоқда ва комплекс автоматлаштирилмоқда. Лекин шунга қарамай, Халқ хўжалиги кенгашининг техникани тараққий эттириш соҳасида ўтказаётган ишларини ҳали ҳам тўла равишда қониқарли, деб бўлмайди.

Жумладан, Халқ хўжалиги кенгашининг илмий-текшириш ва конструкторлик ташкилотлари камқувватлиги ва етарли миқдорда мутахассисларга эга эмаслиги техникани тараққий эттиришга тўсқинлик қилмоқда. Фанлар академиясининг кўп институтларида ишлар шундай ташкил этилганки, улар саноатнинг талабларига жавоб берарлик ишларни қилолмаётирлар. Шу муносабат билан Халқ хўжалиги кенгашининг раиси илмий ходимларнинг бажарган ишлари ишлаб чиқаришда қанчалик фойдаланилганлигига қараб, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи системаси жорий қилинсин, деган таклифни киритди.

Ўртоқ Мовсесян кимё саноатини ривожлантириш масалаларига тўхталиб айтдики, кимё корхоналарининг коллективлари маҳсулот чиқаришни кўпайтирмоқ учун ички резервларни қидириб топдилар. Натижада қўшимча капитал маблағлар сарфламасдан туриб, синтетик каучук, каустик сода, сирка кислотаси, синтетик корунд, автомобиль шиналари, резинатехника буюмлари ҳамда бошқа қимматли кимёвий буюмлар ва маҳсулотларни етти йиллик план топшириқларида белгиланганига қараганда кўпроқ ишлаб чиқариш мумкинлиги маълум бўлиб қолди. Баъзи янги корхоналарни ишга тушириш муддатлари ҳам қисқартирилди.

Сталино областидаги Лутугин номли шахтада кўмирни тозалаб олувчилар бригадири **А. А. Кольчик** сўзга чиқди. Коммунистик партия Марказий Комитетининг Пленумига тайёргарлик кўрилаётган кунларда, деди у, кончилар орасида еттийиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олиб кетди. Бригада коллективи Пленум шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, пландан ташқари 1.673 тонна кўмир берди. Ҳар куни чиқарилаётган кўмирнинг ўртача миқдори ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 52 тонна кўпайди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ҳар сменада нормадан ташқари 2,4 тоннадан кўмир бермоқда.

Сўнгра, ўртоқ, Кольчик ўз сўзини давом эттириб, ўз бригадасининг ишчилари коммунистларча ўқиймиз, ишлаймиз ва яшаймиз, деган мақсадни; ўқишда ва меҳнатда бирбиримизга ёрдамлашамиз ўтмиш сарқитларига қарши курашамиз, деган мақсадни ўз олдиларига қўйганлигини гапириб берди. Бригаданинг 24 аъзосидан 18 киши ишчи-ёшлар мактабида, бир киши олий ўқув юртига тайёрлаш курсида ва уч киши механизаторлар курсида ўқиётир.

Бригада аъзолари Свердловск ва Горький областлари меҳнаткашларининг ташаббусини қувватлаб, илгари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни қайтадан кўриб чиқдилар. Улар шахта раҳбарларидан ўзларига берилган давлат планини кунига 70 тонна миқдорида кўпайтиришни илтимос қилдилар. Бригада етти йилликкa мўлжалланган ўз топширигини уч ярим йилда бажаришга қарор қилди.

Ўртоқ Кольчик ўз нутқининг охирида кўмир саноатини янада ривожлантиришга тааллуқли бир қанча конкрет масалаларни қўйди. У дедики, шахталарда кўмирни чиқариб олишни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш проблемалари ҳали ҳам секинлик билан ҳал қилинмоқда, меҳнат унумдорлигини оширишга имкон бермайдиган, такомиллашмаган ва иш унуми кам бўлган кончилик машиналари ҳали ҳам ишлатилиб келмоқда.

Латвия Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **Г. И. Гайле** ҳозирги вақтда республика заводлари ўзлаштираётган бир қанча янги нусхалардаги маҳсулотларни санаб бериб, айтдики, етти йил ичида 6 минг номдан кўпроқ янги машиналар, саноат буюмлари, материаллар ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун топширилади.

Катта миқёсда ишлаб чиқаришни механизациялаштиришни ва автоматлаштиришни ривожлантиришга тааллуқли вазифаларни, деди Ўртоқ Гайле, етарлик миқдорда малакали инженерлар бўлмасдан туриб, ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабли, Латвия Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарнинг бошқарув аппаратини қисқартириш ҳисобига шу йилнинг ўзидаёқ конструкторлар ва технологлар составини бир минг киши миқдорида кўпайтиришга қарор қилди.

Халқ хўжалиги кенгаши тармоқ бошқармаларининг ходимлари канцелярия ишлари билан банд бўлиб қолиб, кўпинча ишлаб чиқаришга оператив раҳбарлик қилолмаётирлар. Шу сабабли, ҳозир планлаштириш ишларини, молиявий ишларни ва шу кабиларни тармоқ бошқармалари ихтиёридан олиб, Халқ хўжалиги кенгашининг марказий аппаратига топширишга, бошқармалар ихтиёрида эса, фақат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва янги техникани ривожлантириш масалаларинигина қолдиришга қарор қилинди.

Ўртоқ Гайле материаллар ва ускуналарни, айниқса янги техника планини бажариш учун керакли материаллар ва ускуналарни етказиб беришни планлаштиришни яхшилаш тўғрисида бир қанча истаклар билдирди.

Сталинград трактор заводининг бош инженери **М. С. Сидельников** ўз нутқининг бошида Сталинград трактор заводининг донгдор коллективи эришган муваффақиятларни гапириб берди.

Сўнгра, нотиқ техникани тараққий эттиришнинг бир қанча конкрет масалаларига тўхталди. Унда-бунда автоматлаштириш ва механизациялаштириш ўрнига комплекс автоматлаштириш ва механизациялаштириш йўлига қатъий равишда кириб, айни вақтда бажариладиган ишларнинг муддатларини энг кўп миқдорда қисқартиришни ҳам кўзда тутиш керак. Бундан ташқари, тажриба шуни кўрсатиб турибдики, деди нотиқ, фақат маънавий эскириб қолган ускуналаргина механизациялаштириладиган ва автоматлаштириладиган бўлса, бу тадбир кўнгилдагидек натижа бермайди.

Ўртоқ Сидельников бундай масалани қўйди: Сталинград трактор заводини янги трактор чиқаришга ўтказиш корхонани янги ускуналар билан, яъни бир қанча технология линиялари билан комплекс таъминлаб туришни талаб қилади. Шу билан бирга Сталинград трактор заводидаги эски ускуналарни ҳам трактор запас қисмлари чиқарадиган заводларга бутун-бутун технология линиялари билан ва бут қилиб жўнатиш керак.

Янги техникани ва автоматикани жорий қилмоқ учун корхоналарга банк томонидан берилдиган қисқа муддатли қарзлар техникани тараққий эттиришни тезлатиш ишида катта роль ўйнайди. Шу муносабат билан нотиқ айтдики, Давлат банки қарз беришни расмийлаштириш чоғида талаб қилинадиган гарантиялларнинг ва бошқа ҳар қандай қоғозларнинг сонини камайтириши керак.

Заводларда бошқарув структурасини уларнинг ҳисоб бериш тартибини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш пайти келди, чунки жуда кўп ходимлар бошқарув аппаратида ҳисоботлар тузиш билан банд бўлиб қолмоқда. Бунинг ўрнига, деди ўртоқ Сидельников, ижодий меҳнат ходимларининг — технологлар, конструкторлар ва тадқиқотчиларнинг сонини кўпайтириш мумкин.

М. С. Сидельниковнинг нутқидан кейин 26 июндаги кечки мажлис тугади. (ТАСС).

СССР Министрлар Советида

СССРнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарликни қайта қуриш тўғрисида

СССР Министрлар Совети «СССРнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарликни қайта қуриш тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССР Министрлар Совети совет халқининг коммунизм қурилишидаги буюк галабаларини амалга оширишда олий мактаб ва ўрта махсус ўқув юртлари муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлаб, мамлакатнинг халқ хўжалиги ва маданияти учун мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш соҳасида бир қанча конкрет тадбирларни белгилади.

Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълим системасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлаш ҳамда студентларнинг амалий тайёргарлигини яхшилаш мақсадида, шунингдек иттифоқчи республикаларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарлик қилишдаги ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида СССР Министрлар Совети олий ва ўрта махсус ўқув юртларини иттифоқ бўйсунишидан иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари қарамоғига топширишни зарур деб топди.

Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига республикалардаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарлик қилишнинг ташкилий формалари тўғрисидаги масалани ҳал этиш таклиф қилинди. Улар зиммасига кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, ўқув-методика, тарбиявий ва илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш, шунингдек ўзларига бўйсунган ўқув юртларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш, маблағ билан таъминлаш ва уларни қуриш вазифаси юкланади.

СССР Министрлар Совети СССР Олий таълим министрлигини СССР Олий ва ўрта махсус таълим иттифоқ-республика министрлигига айлантиришни мақсадга мувофиқ деб топди. Бу министрликнинг вазифаси — ўқув методика ва илмий тадқиқот ишларини йўлга қўйишда республикаларга ёрдам бериш, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш планларини мувофиқлаштириш, илмий педагог кадрларни аттестациялаш ва бошқалардан иборатдир. (ТАСС).

БИР ГРУППА МОСКВАЛИК ЁЗУВЧИЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ФАХРИЙ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

1959 йил 25 июнда Москвада Ўзбекистон ССРнинг доимий ваколатхонасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова ўзбек санъати ва адабиётини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси муносабати билан мукофотланган бир группа москвалик ёзувчиларга ва маданият арбобларига Ўзбекистон ССР Олий Совети Фахрий ёрлиғини топширди.

Мукофотланганлар номидан ёзувчилар С. В. Евгенов, Л. Н. Пеньковский, Н. А. Асанов ва Н. И. Голосовскаялар сўзлади.

Ё. С. Насриддинова мукофотланганларни самимий табриклади ва уларга сиҳат-саломатлик ҳамда янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Мукофотларни топшириш вақтида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси О. А. Алимов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников ва М. А. Абдураззоқов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғуломовлар ҳозир бўлдилар.

Ғанишерчилардан ўрнак олиб, ғўза парвариши суръатини кучайтирайлик!

☆ ☆

Оммавий-сиёсий ишларга эътибор кучайтирилсин

Бўка районидаги Ленин номли колхоз далаларида бўлганимизда колхозчиларнинг фидокорона меҳнат қилаётганликларини кўриб қувондик. Ғўзалар яхши парвариш қилинмоқда, ривожланишдан орқада қолаётган пайкаллар қўшимча озиқлантирилиб, суғорилмоқда.

Мана биз 3-бригаданинг дала шийпонидамиз. Уни яхши безатилган ва жиҳозланган ҳолда кўрамиз, деб астойдил ишонган эдик. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади. Бу ерда биргина радиоприёмникдан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Шийпонда газета ва журналларнинг янги сонлари, турли илмий-оммабоп ва оммавий-сиёсий темалардаги брошюралар ҳам йўқ. Шахмат-шашка ўйинлари ташкил этилмаган. Хуллас дала шийпони колхозчиларнинг маънавий озуқа ва маданий дам оладиган жойига айлантирилмаган. Кейинчалик маълум бўлдики, колхоздаги 10 та далачилик бригадасининг ҳаммасида ҳам аҳвол бундан қолишмайди.

Колхоз турли хил газета ва журналлар олиб туради. Бироқ улар партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Норқобиловнинг кабинетида тахланиб ётибди. Оммавий-агитация ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Агитаторлар яхши ишламаётир.

Ғўза парваришининг ҳозирги қизғин пайтида колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, дала шийпонларини бу ишларнинг ҳақиқий марказига айлантириш колхоз партия ташкилоти ва унинг секретари Ўртоқ Норқобиловни қизиқтирмаса, бу иш билан ким шуғулланади?

Т. МИРҲОДИЕВ,
М. РИХСИЕВ,
А. САЙФУТДИНОВ.

Бир колхозда икки хил аҳвол

Шу кунларда Бекобод районидаги Ленин номли колхозга бориб, қайси бригада ғўза парваришида илғор, деб сўрасангиз Ўртоқ Муҳиддин Эрматов бошқараётган комсомол-ёшлар бригаласини кўрсатишади. Ҳақиқатда ҳам бригадада иш жойида. Пахтакорлар ғўза парваришини намунали ўтказишиб, биркитилган 100 гектар майдондан 35 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашяптилар.

Шу кунда ғўзалар иккинчи марта озиқлантирилаётир. Механизаторлар учинчи культивацияни тамомлаб қўйдилар. Ҳар бир туп ғўза 8—10 тадан шона йиғди.

Яхши бригадани бориб кўрганингиздан кейин қолоқ бригаданинг пахта майдонида бўлсангиз кўнглингиз ранжир экан. Ўртоқ Мамажон Дувлаев бошлиқ бригада бунга мисол бўлаолади. Бу бригадада ҳам 100 гектар пахта майдони бор. Ишчи кучи етарли. Тракторлар ишлаб турибди. Шундай бўлса ҳам ғўзалар ҳали биринчи парвариш қилинмаган. Карталарда бегона ўтлар жуда кўп. Айрим ерларда яганалаш пала-партиш ўтказилган. Ҳар бир уяда ғуж-ғуж бўлиб ётган ўсимликларни ҳам учратасиз.

Суғориш ишлари ҳам сифатсиз ўтказилаяпти. Дала шийпони йўқ. Турган гапки, агар бригададаги ҳамма киши ишга тўла қатнашса, ҳамма кундалик нормани бажарса ва механизациядан унумли фойдаланилса, ғўза парвариши бунчалик судралиб қолмаган бўлар эди.

М. АҲМЕДОВ.

Илғор бригаданинг моҳир механизаторлари

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг ўртоқ С. Фаёзов, Р. Олимов, З. Муҳиддинов сингари механизаторлари эҳтиёт гайрат билан ишлаб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Ўртоқ С. Фаёзов бу йил 1500 гектар ердаги ғўзани икки томонлама парвариш қилиш юзасидан юксак мажбурият олган. У ўз сўзининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Ишга эрта чиқиб кеч қайтади. Тракторни ўз вақтида мойлаб, унумли ишлашига эришади. Ҳозир у кунига 10-12 гектар ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб, колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Фаёзов 15 кун ичида 162 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб берди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ғафур Қодиров бошлиқ бригада аъзодари ғўза парваришини тобора кучайтириб, барча майдонда мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Ғўзалар агротехника қоидаларига мувофиқ уч марта комплекс парваришдан чиқарилди.

Бригада аъзолари шу кунларда ғўзани маҳаллий ўғит билан озиқлантирмоқдалар. Айниқса, Ўртоқ П. Каримов бошчилик қилаётган тюпкочи звенода ғўзалар гуркираб ўсмоқда. Звено 18 гектар ерда кетмон ишлатмасдан ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олиб, унумли меҳнат қилмоқда. Ғўза сифатли парвариш қилиниб, эрта озиқлантирилганлиги туфайли текис гулга кирди.

А. ҚАЮМОВ.

МИРИШКОР ПАХТАКОР

Тельман номли колхоз далачилик бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳаким полвон Қодировни Пискент районидагина эмас, ҳатто областимизда ҳам танимайдиган киши камдан-кам топилади.

Қаҳрамон бошлиқ бригада ўтган йили 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштирди. Бригадада 1 центнер пахта етиштириш учун 4,5 меҳнат куни сарфланди ва 1 центнер пахтанинг таннархи 118 сўмга тушди.

Областимизнинг машҳур пахтакори, эллик центнерчилик ҳаракатининг ташаббускори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов билан беллашишга аҳд қилган Ҳаким полвон бригадасининг аъзолари бу йил 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан пахта етиштириш ва бригада бўйича пахтанинг ялпи ҳосилини 600 тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

Бригадада барча дала ишлари ўз вақтида ва юқори агротехника қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилмоқда. Шу кунгача ғўзалар уч марта комплекс парвариш қилинди. Бунда механизаторлардан Жалил Исаев, Ҳайдарали Мамадалиевларнинг хизмати катта бўлди. Улар ҳар куни кормадаги 8 гектар ўрнига 10-12 гектар ердаги ғўзани сифатли парвариш қилмоқдалар. Шунинг натижасида кўчатлар нормал ривожланиб, ёппасига шоналади. Айрим карталарда ғўза гул кўрсатди.

Ғўзалар культивация билан бир вақтда минерал ўғит ва чириган гўнг аралашмаси билан озиқлантирилмоқда.

Пахтачиликда суғориш катта аҳамиятга эгадир. — Ҳозирги кунда сувдан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир, — деди Ҳаким полвон, — чунки бу вақтда ғўза бўйига тез ўсаётган бўлади. Биз биринчи суғоришга июнь ойининг охирида киришамиз, чунки бизда ер ости сувлари яқин. Шунинг учун биз тез-тез ғўзани механизация билан парвариш қилиб турамиз. Қора-тупроқли ерларда суғоришдан олдин икки томонлама культивация қилинган ғўзалар қуёшда тоблантирилса ўсимлик ҳам сувдан, ҳам тупроқдан баҳра олади. Ғўза тупи тепасида янги барглар пайдо бўлаётган бўлса, демак, бу ғўза ҳали сувга муҳтож эмас.

Бригадада суғориш ишлари билан тажрибакор сувчилар шуғулланадилар. Адаш Аширов, Аблалим Сатторов каби сувчилар ўз касбининг усталаридир. Булар ишлаган ерда ғўза чанқаб ҳам қолмайди, кўп сув ичишдан ғовлаб ҳам кетмайди.

Бригадада ишловчиларга яхши шароит яратиб берилган. Дала шийпони намунали даражада жиҳозланган ва безатилган, у чинакам маданий дам олиш жойига айлантирилган. Бу ерда ҳар куни икки марта иссиқ овқат тайёрланади.

Бригадада ёш болаларни тарбия қилиш учун ясли ташкил этилган. Болалик оналар тарбиячи Ойбўстон Ашированинг хизматидан миннатдордирлар.

Ҳ. Қодиров бригадаси хўжалик ҳисобига ўтган. Колхоз правленеси бригадага пахтанинг ялпи ҳосили, харажатлар ва маҳсулот таннархи бўйича топшириқ берган. Ҳамма ишлар ана шу топшириқ асосида ташкил этилмоқда. Бригада аъзолари 1 центнер пахта учун 3,5 меҳнат куни сарфлаш, ҳар 1 центнер пахтанинг таннархини 90-100 сўмга келтириш учун курашмоқдалар.

Миришкор пахтакор Ҳаким полвон Қодиров мўл пахта ҳосили етиштириш бўйича орттирган кўп йиллик тажрибасини фақат ўз колхозидагина эмас, балки райондаги барча колхозлар ва «Пискент» совхозида ҳам оммалаштирмоқда.

Яқинда Ҳ. Қодиров районнинг «Гулистон», Сталин номли, Калинин номли колхозларида, «Пискент» совхозининг 1-бўлимида бўлиб, ўсишдан орқада қолган участкаларни олдинги ғўзалар қаторига етказиб олиш юзасидан уларга қимматли маслаҳатлар берди.

Ҳаким ака ўз ёрдамини ҳеч аямайди. Районнинг кўпгина пахтакорлари унинг даласига ҳам бориб, керакли маслаҳатлар билан унга мурожаат қиладилар. Чинакам қаҳрамон уларнинг барча талабларини қондиришга тиришади. Халқимизнинг «Арслон изидан, йиғит сўзидан қайтмас» деган мақоли бор. Миришкор пахтакор Ҳаким полвон Қодиров ана шунга амал қилиб, олган социалистик мажбуриятини, албатта, бажаради. У Ғанишер Юнусов билан беллашгани-беллашган!

Ф. АБДУЛЛИН,
М. САМАДОВ.

Ҳакимполвон ҚОДИРОВ.

Мажбуриятга яраша ишлаяптилар

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида бригадаларароо Социалистик мусобақа қизитиб юборилган. Ана шу ҳаракатда социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Мирахмад Юсупов бошлиқ бригада аъзолари олдинда боришяпти. Улар ғўзани сифатли парвариш қилишиб, гулга киритишди. Бригадада меҳнат интизоми яхши. Суғориш, озиқлантириш ва культивация ишлари сифатли ўтказилаётир.

Шунингдек, колхознинг Абдуҳалил Тўраев, Раҳим Жалолов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам мўл ҳосил учун курашилмоқда. Бу бригадалар Ғанишер Юнусов ташаббусига қўшилишиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта ҳосили етиштиришга бел боғлашган. Ўртоқ А. Тўраев бошлиқ эллиқцентнерчилар бригадасида иш айниқса яхши. Бу ерда механизатор Мадамин Мадраҳимов, Абдулазиз Мадусмонов ўртоқлар ғўзаларга икки томонлама ишлов бераётир.

Механизаторлар ўз сўзларининг устидан чиқяптилар. Улар кунига 11 гектардан ернинг ғўзасини культивация қилмоқдалар. Бригаданинг О. Маҳкамова, М. Тожибоева, Н. Низомова сингари аъзолари ҳам кунлик топшириқларини анча ошириб бажаришяпти.

А. АЗИМОВ,
А. МАДРАҲИМОВ.

ФЕЛЬЕТОН

Пир, алвасти ва Абдилҳаким

Абдилҳаким Тошкентдан 5 фарзандига турли совға, ёстиқдоши Жамолойга эса олича гулли рўмол келтирди. Оилада хурсандчилик бошланди.

Тун. Ярим кеча.

— Вой дод! қичқириб юборди Абдилҳаким.

— Нима гап? — чўчиб уйғонди Жамолой.

— Мени алвастилар бўғяпти, вой дод!

— Ушла, ушла! — яна қичқирди Абдилҳаким, бироздан кейин.

— Вой нима бўлди ўзи сизга?

Хотини эрининг бошида парвона бўла бошлади. Абдилҳаким эса кўз ёшини оқизиб «пиқ-пиқ» йиғлар эди.

— Ўлиб қолсам нима бўлар экан? — сўради эр.

— Қўйинг ундай деманг 5 боламиз бор ахир, — деди аёл ўпкаси тўлиб.

Абдилҳаким уҳ тортиб ҳазин бир овоз билан ҳикоя бошлади: у якинда Тошкентга бир ойлик курсга борган эди. Гўё ўшанда туш кўриб, тушида ўз пирини кўрган эмиш. Пири ўрта яшар бир аёлни қўлидан тутиб, Абдилҳакимга салом бердирибди ва:

— Бу сенга худонинг назири, унга уйлан. Хотининг ва 5 болангга «чўри» бўлади. Агар шу хотинни ҳаҳардан излаб топмасанг бошингга кулфатлар тушади. Уни катта сув бўйидан топасан,— дебди-да, ўзи кўздан ғойиб бўлипти.

Эртасига Абдилҳаким яна туш кўрибди. Тушида пири назир қилган аёл билан танишиб, исмини сўраб олибди. Исмлари Мактубахон экан.

Шундан сўнг Абдилҳаким катта сув бўйига — Комсомол кўлига борибди. Мактубахон ҳам тушида ўша пирни кўрган, ўзини йиғитга назир қилинганлигини эшитган экан. Икковлари танишибди ва пирнинг кароматига қойил қолишибди.

— Мен ўша «чўри»ни ўзим билан олиб келмадим. Энди пирим мени алвасти бўлиб бўғяптилар. Нима қилсам экан, хотин?

Жамолой содда, худо, пир ва алвасти ҳақидаги тушунчаларга қаттиқ ишонувчи бир аёл эди. Бунинг устига эрининг ўлиб қолиши ҳақидаги хавф ҳам бор. Абдилҳаким Равшанхон исмли хотинини қўйиб Жамолойга уйланмоқчи бўлганда ҳам ана шу пирини тилга олган эди.

— Нима дер эдим, ўзингиз биласиз!.. дея пичирлади аёл кўзлари жиққа ёшга тўлиб.

— Очиқ-ойдин рухсат бер. Бўлмасам пирим мендан норози бўлиб, сирларим фош бўлиб қамалиб кетишим мумкин, — деди Абдилҳаким ва гўё уни кўзга кўринмайдиган қўллар бўғаётгандек кўзлари олайиб, ҳиққиллай бошлади. Хотин қўрқиб:

— Тезроқ олиб келинг, тезроқ,— деди қилар ишини билмай.

Эрталаб Жамолойнинг сандиғидан каверкотдан тикилган ёлғиз пальто, турли шойи кийимликлар, келинлигида Абдилҳаким совга қилган қундузи пальто олинди. Абдилҳаким яқинда Ильич колхозига бориб бирнеча ўн минг сўмга яқин катта раст-ратни ревизор сифатида бости-бости қилиб келган эди. Ўша колхозга бориб бир бўрдоқи қўй ва тўй учун зарур бўлган бошқа нарсаларни колхоз правленеисидан совғага олди.

Тошкентга, Лабзак кўчасида яшовчи Мактубахоннинг ҳузурига етиб келди. Тўй бошланди. Машҳур домла Мулла Салимбой никоҳ ўқидилар. Куёв уч кун кўшонада ётиб, тўртинчи кун кечаси, эл ухлаганда Сирдарё район марказидаги Ленин кўча 119- уйга пир томонидан «назир қилинган» «чўри» қизни машинада олиб келди.

Беш боласини бағрига олиб ухлаб ётган Жамолой шошилинч равишда товуқхонага кўчирилди. Катта хонага «назир қиз» туширилди.

— Мана, Жамол, худо таолло иккимизга назир қилган «чўри» Мактубахон мана шу киши бўладилар. Бу киши Тошкентнинг энг катта хўжаликларидан бўлмиш Усмонхўжа домланинг қизлари бўладилар. Усмонхўжа домла кимки, иккингиз ўртангизга мажоро солса, икки кўзи кўр бўлсин деб фотиҳа бердилар,— деди ва Жамолой билан Мактубахонни қўл олиштириб, таништириб қўйди.

«Чўри» қиз секин сўз бошлади.

— Дадамлар дугойи банд қилиб, жуда кўп кишиларни кўр қилиб қўйганлар. У кишининг дуолари худойитаолло олдида эътиборли.

Шундан кейин Мактубахон қоғоз қалам келтириб, Жамолойга тилхат ёздирди.

«— Мен, Жамолой Карриева, уйимиздаги аёлни Қизил Ўрдадан эридан ажралиб келган синглим деб атайман. Агар шу шартни бузсам худонинг ғазабига дучор бўлай...».

Кунлар ўтди. — Энди Мактубахон «чўри» эмас, балки Жамолой чўри бўлиб қолди. У энди ёш келиннинг қўлига сув қуйиши, уйини супириб-тозалаши, кийимбошларини ювиши керак эди. Жамолой калтак емаган кун жуда кам. Эр уни хушидан кетгунча калтаклар, дамингни бировга чиқарсанг, пичоқлаб ташлайман деб қўрқитар эди. Бу аҳволга чидай олмаган Жамолой 3- синфда ўқийдиган қизи орқали қариндош-уруғларига хат ёздирди. Лекин хатни Мактубахон кўриб қолиб, Жамолой билан ёш қизчани сулайиб қолгунча калтаклади.

Ниҳоят Мактубахон ҳам қиз кўрди. Ўша куни Сирдарё район ижроия комитетидан ва сельхоз инспекциясидан кишилар келиб, Мактубахонни табриклидилар. Лекин Жамолой ва унинг беш фарзандини ҳамма унутгандек эди. Ҳатто раҳбарлар Абдилҳаким Карриевни Қизил Ўрда область «Теренг Ўзек» районидаги «Комсомол» колхозидан, сўнгра «Янги Ўриш» колхозидан катта-катта ғиғирликлар қилиб қочганини суриштириб ҳам ўтирмадилар. Абдилҳаким турли найрангдар билан Равшанхон, Жамолой каби аёлларни болаларини зор йиғлатиб кўчага ҳайдаган бир кимса эди. Район раҳбарлари Абдилҳакимни гирром, мугомбир эканлигини билсалар-да, бирон лекини бор шекилли, ҳамон индамай келадилар. Ҳатто уни Сирдарё район РТСнинг ревизори қилиб кўтармоқчилар.

Лекин, худо, жин ва алвастини қалқон қилиб Жамолойни 5 боласи билан кўчага ҳайдаган, Равшанхонни ўқишдан юлиб олиб, бахтига чангал солган, тулкидек айёр Абдилҳаким ҳам, 5 фарзанди борлигини билатуриб, гўдакларни тирик етим бўлишига парво қилмай Абдилҳакимга бир амаллаб тегиб олган, хўжа қиз Мактубахон ҳам соф виждонли кишилар нафратидан қочиб қутила олмайдилар.

Ш. КАМОЛОВ.

БУЮК ПОЧИН

В. И. Ленининг биринчи коммунистик меҳнат куртаклари бўлмиш, коммунистик шанбаликларга бағишланган «Буюк почин» асарининг ёзиб томомлаган кунга бугун 40 йил тўлди. В. И. Ленин ўзининг бу асарида Москва-Қозон темир йўлида бошланган биринчи коммунистик шанбаликларни доҳиёна таърифлаб, бу коммунизмнинг амалда бошланиши эканлигини кўрсатиб беради.

1919 йил 10 майда одатдаги иш куни тамом бўлгач, Москва-Қозон темир йўлининг ишчи ва хизматчилари коммунистик шанбалик ташкил қилади. Бу шанбаликка 205 коммунист ва хайрихоҳчилар қатнашадилар. Улар 6 соат тинмай ишлаб, 4 паровоз, 16 вагонни ремонтдан чиқардилар ва 9300 пуд юкни вагонга ортдилар ва вагондан туширдилар.

В. И. Ленин ўзининг бу гениал асарида коммунистик шанбаликларга гоят юксак баҳо бериб, буни коммунизм куртаги, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг дастлабки кўриниши деб бундай деган эди: «Бу ҳали ишнинг бошланишигинадир, лекин бу мисли кўрилмаган гоят муҳим бошланишдир. Бу, буржуазияни ағдаришга қараганда хийли қийинроқ, хийли муҳимроқ, хийли асосли-роқ, хийли қатъийроқ ўзгаришнинг бошланишидир, чунки бу — ўз жоҳиллигимиз, бебошлигимиз, майда буржуача худбинлигимиз устидан, лаънати капитализм ишчилар ва деҳқонларга мерос қилиб қолдирган мана шу одатлар устидан қозонган ғалабамиздир. Шу ғалаба мустаҳкамланганда ва фақат шундагина янги ижтимоий интизом, яъни социалистик интизом вужудга келтирилади, шунда ва фақат шундагина орқага, яъни капитализмга қайтиш мумкин бўлмайди ва коммунизм дарҳақиқат енгилмас бўлади» (В. И. Ленин, Асарлар, 29 том, 425-426 бетлар).

Москва-Қозон темир йўли ишчиларининг коммунистик шанбаликлари мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларига ёйилди. Бепоён мамлакатимизнинг азамат меҳнаткашлари москваликлларнинг бу буюк починларини қўллаб-қувватлаб, коммунистик шанбаликлар ташкил қилдилар. 1920 йил 1 майда Бутуниттифоқ шанбалиги ўтказилиб, бунда кенг меҳнаткашлар оммаси иштирок қилди. Бу шанбаликка шахсан В. И. Ленининг ўзи иштирок этди.

Коммунистик шанбаликлар мамлакатимизда ажнабий ҳарбий интервенция ва гражданлар урушининг оғир йилларида туғилди. Бу вақтда ёш Совет республикаси чет эл интервентлари ва ички контрреволюционерлар ҳалқаси ичида қолган эди. Ана шундай оғир бир шароитда ишчилар оч ва яланғочликларига қарамасдан мамлакат ичкарисида қаҳрамонларча меҳнат қилдилар ва меҳнат унумини ошириш соҳасида ажойиб қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Ишчиларнинг бу меҳнат қаҳрамонликлари ва революцион онгдиликларидан фахрланиб, В. И. Ленин бундай деб ёзади: «Буржуазиянинг, меньшевикларнинг ва эсерларнинг ёвузлик билан қилаётган контрреволюцион агитацияси қуршови ичида қолган шу оч ишчилар «коммунистик шанбаликлар» қилмоқдалар, ҳеч бир ҳақ олмай, ишдан кейин қолиб ишламоқдалар, тўйиб овқат емаслик орқасида тинкалари қуриганлигига қармасдан, меҳнат унумини жуда ҳам оширишга муваффақ бўлмоқдалар. Мана шунинг ўзи буюк қаҳрамонлик эмасми, ахир? Мана шунинг ўзи жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган бурилишнинг бошланиши эмасми, ахир?» (Ўша том, 442 бет).

Меҳнат унуми янги ижтимоий тузумнинг енгиб чиқиши учун оқибат натижада энг муҳим, энг асосий нарсадир. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин коммунистик шанбаликларни коммунистик меҳнатларнинг куртаклари деб таърифлади. Социализм тарихда мисли кўрилмаган меҳнат унумини яратди. Социализм заминида вужудга келган бу меҳнат унумдорлиги коммунистик жамиятни қуришнинг асосидир. Коммунизм одий ишчиларнинг меҳнат унумини ошириш тўғрисида, ғалла, кўмир, темир ва бошқа маҳсулотлар шахсан ўн ва юз миллионларча меҳнаткашларга тегадиган шу маҳсулотларнинг ҳар бир пудини асраш тўғрисида фидокорона ва оғир меҳнатни енгадиган ғамхўрликлари пайдо бўлган жойда бошланади деб кўрсатди В. И. Ленин.

Коммунистик шанбаликларга саноат ишчилари билан бир қаторда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам кенг қатнашдилар. Совет Туркистонининг меҳнаткашлари рус оғаларининг бошчилигида ва ёрдами орқасида меҳнат унумини оширишда катта-катта ғалабаларни қўлга киритдилар. 1921 йилнинг ўзидаёқ Фарғона областининг Қўқон Уездидаги қишлоқларда 200 дан ортиқ қишлоқ ва волость эҳув комиссияси тузилди. Бу комиссиялар ёрдами билан беш марта шанбалик ўтказилиб, камбағал деҳқонларнинг 763 гектар ерларига экин экиб берилди. Шу йил Қўқон Уездида 534 километрлик суғориш иншоотлари ҳашар усули билан тозаланди. Шунингдек Социалистик қурилиш йилларида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кенгашлари саноатни реконструкциялаш соҳасида жуда катта роль ўйнади.

Коммунистик партия Ленининнинг буюк кўрсатмаларига амал қилган ҳолда социалистик ва коммунистик қурилиш процессида коммунистик меҳнат куртакларининг янги-янги формаларини вужудга келтирди ва унинг ривожланишига бошчилик қилди. Партиямиз совет халқини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, жамоат мулкини кўз қорачўғидай сақлаш руҳида, ҳаётбахш совет ватанпарварлиги руҳида тинмай тарбиялаб келди.

Коммунистик меҳнат куртакларини янада ривожлантиришда социалистик мусобақа ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди ва бўлмоқда. Социалистик мусобақа меҳнатни шоншараф ишига айлантириб, беш йиллик-ларнинг буюк вазифаларини муддатидан илгари бажаришда гоят катта роль ўйнади. Эндиликда эса совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида етти йиллик планнинг улуғвор вазифаларини муддатидан илгари бажариш учун курашиб, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқда.

В. И. Ленин ўзининг бу ўлмас асарида таъкидлаб зйтганидек, социализм мусобақани сусайтирмайди, балки уни чинакам кенг, чинакам оммавий ҳажмда қўллаш учун, меҳнаткашларнинг ҳақиқатан кўпчилигини шундай иш майдонига тортиш учун биринчи марта имкон берди, меҳнаткашлар бу иш майдонида ўзларини кўрсата олдилар, қобилиятларини юзага чиқара олдилар. Даставвал, коммунизмнинг куртаклари сифатида коммунистик шанбаликлардан бошланган социалистик мусобақа халқ хўжалигининг барча соҳаларига жуда кенг ёйилиб кетди.

Эндиликда совет халқи ўз тараққиётининг КПСС XXI съезди томонидан белгилаб берилган янги даврига, яъни коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйган бир вақтда В. И. Ленининнинг «Буюк почин» асарида доҳиёна кўрсатиб берилган меҳнат унумдорлигини ошириш тўғрисидаги таълимоти жуда катта аҳамиятга эгадир. КПСС XXI съездидан кейин мамлакатимиз халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва социалистик мусобақани янада ривожлантиришда янги давр бошланди. Съездга тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда, коммунистик меҳнат куртаклари бўлмиш коммунистик меҳнат бригадалари вужудга келди. Бу коммунистик меҳнат бригадалари ҳам шу Буюк почининг ватани бўлган Москва-Сортировочная депосида бошланди. Комсомоллар ташаббуси билан вужудга келган бу коммунистик меҳнат бригадалари ҳозирги кунда республикамиз саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларида съезд томонидан белгилаб берилган етти йиллик планнинг улуғвор вазифаларини бажаришда олдинги сафларда бормоқдалар.

В. И. Ленининг «Буюк почин» асарининг тарихий аҳамияти яна шундан иборатки, бу асар совет халқини ва социализм қураётган барча мамлакат халқларини меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаб келди ва уларни коммунистик меҳнатнинг янги-янги формаларини вужудга келтириш учун интилишга илҳомлантирди. Ленининг бу буюк ғоялари билан суғорилган республикамиз пахтакорлари бу йил она-Ватанга 3 миллион 50 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар ва бу соҳада механизациядан кенг кўламда фойдаланмоқдалар. Ўзбек халқи партиямиз ва давлатимиз олдида олган бу улуғвор вазифани бажариш учун социалистик новаторлик ҳаракатининг формаларини вужудга келтирмоқда ва улардан меҳнат унумдорлигини янада ошириш мақсадида кенг фойдаланмоқдалар.

Тошкент область Гулистон районидаги донгдор пахтакор Ғанишер Юнусов бригадаси бошлаб берган эллиқцентнерчилар ҳаракати республикамизга кенг тарқалди. Ғанишер Юнусов бригадасининг бу ватанпарварлик ҳаракати республикамиздаги барча колхоз ва совхозлар, далачилик бригадалари томонидан кенг қўллаб-қувватланилди ва натижада бу умумхалқ ҳаракати тусини олмоқда. Бунинг ўзи В. И. Ленининг «Буюк почин» асарида кўрсатилган умумхалқ ҳаракати коммунистик жамият қуришнинг асосидир деган доҳиёна таълимотининг ҳаётийлигини кўрсатувчи яққол далилдир.

В. И. Ленининг коммунистик шанбаликларга бағишланган бу асаридаги баён қилинган ўлмас ғоялар бизнинг коммунизм учун кураш йўлимизни ёритиб турмоқда.

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Реконструкция ишлари тезлаштирилсин“

Газетамизнинг шу йил 16 май сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган материалда 32- қурилиш трестига қарашли 704- УНР Бекобод цемент комбинатини реконструкция қилиш ишларини ниҳоят даражада сусткашлик билан олиб бораётгани тўғрисида ёзилган эди.

32- қурилиш трести бош инженери Ўртоқ В. Марковнинг редакцияга маълум қилишича, мақола трест бошқармасида кўрилиб, 704- УНРга цемент комбинатини реконструкция қилиш ишларини жадаллаштириш ва юз бериб келган камчиликларни бартараф қилишда амалий ёрдам кўрсатилган. Чунончи кўп тоннали 10 та юк машинаси ажратиб берилган ва бошқармани зарур бўлган миқдорда юк машиналари билан таъмин қилиб туриш тўғрисида 16- автобаза билан келишилган. Қурилиш майдонларида портлатиш ишларини ўтказиш масаласи ҳал қилинган. Кўрилган чоралар натижасида комбинатни реконструкция қилишда асосий объект бўлган 2 технология линиясини ишга тушириш юзасидан барча ишлар жадаллаштириб юборилган.

Ёшлик, қувноқлик байрами

☆

Юксак унвон эгалари

2-йигирув фабрикаси қайта тараш цехининг мастер ёрдамчиси Тошпўлат Ҳакимов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари ўтган йил декабрь ойида коммунистчасига ишлаш, яшаш ва ўқишга аҳд қилиб, енг шимариб ишга киришган эдилар.

Шундан буён олти ой ўтди. Бригада аъзолари ҳар томондама ўсди ва улғайди. Улар смена топшириқларини анча ошириб адо эта бошладилар. Лекин коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Бу меҳнатсевар ёшлар ўз сиёсий ва техника билимларини муттасил ошираборишлар, цех ҳаётида актив иштирок этиш учун бор кучини тўла сафарбар этди.

Ҳозир Нина Камишникова, Зоя Беловалар комбинат ҳузуридаги кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқимоқдалар. Ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаган София Подмарева ва Нина Игнатовалар Комсомол тарихини ўрганувчилар тўгарагига актив қатнашаётирлар. Вера Ремнева касаба союз маҳаллий комитетининг раиси, София Подмарева комсомол ташкилотининг секретари вазифасини бажармоқда.

Дам олиш куни. Бригада бошлиги Тошпўлат Ҳакимов ва бригаданинг бошқа аъзолари эрталаб соат 9 да комбинат дарвозаси олдига тўпландилар. Улар Зоя Белованикига боришмоқчи. Бугун Зоя янги квартирага кўчади, унга ёрдамлашмай бўладими?

Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган бу аҳил коллектив ишдан ташқари вақтларда биргалашиб кино ва театрларга бориш, экскурсиялар уюштиришда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Ишлаб чиқариш топшириқларини 120-122 процентга етказиб адо этаётган, меҳнатда ҳам, турмушда ҳам бошқаларга ўрнак бўлаётган бу бригадага яқинда коммунистик меҳнат бригадаси деган юксак унвон берилди.

У. ГОЗИЕВ,
Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати.

Суратда: (чапдан) ёш пахтакорлар М. Иўлдошева, Т. Абдуллаева (бригада бошлиғи), З. Каримова, механизатор С. Иброҳимов ва Қ. Раҳимбердиевалар газетадан қизиқарли хабар ўқимоқдалар.
М. Нуриддинов фотоси.

Ғайратимизга-ғайрат қўшиб ишламоқдамиз

Бизнинг бригада асосан комсомол-ёшлардан иборат. Ёшларимиз мўл ҳосил етиштириш учун йил бошиданоқ астойдил ишга киришдилар. Ерни тайёрлаш, экиш ишлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилганлиги учун ҳам чигитни барвақт ундириб олишга эришдик. Майдонимиз 75 гектар. Шу ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топширишга кўпчиликнинг олдида ваъда берган эдик. Шу орада ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш ҳаракатини бошлаган ганишерчи бригадалар тўғрисидаги хушхабарни эшитиб қолдик. Комсомол-ёшлар бизда ҳам имконият бор, ғўзаларимизнинг ривожи яхши, ана шу ҳаракатдан четда қолмаймиз, дейишди. Ҳозир аҳдимизнинг уддасидан чиқиш мақсадида дала ишларини сифатли бажариш учун курашмоқдамиз.

Ёшлар кунига қадар барча майдондаги ғўзаларимизни камида уч марта комплекс парваришдан чиқариш мажбуриятини олган эдик. Кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилган аъзоларимиз яхши натижага эришдилар. Ҳозиргача уч марта узунасига, икки марта кўндалангига культивация қилинган ғўзалар ёппасига гулга кирди.

Бизда нормасини бажармайдиган биронта ҳам киши йўқ. Зуҳра Каримова, Матлуба Иўлдошева, Захро Каримова, Қутби Раҳимбердиева ўртоқлар ёшлар кунини меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритиш билан кутиб олдилар. Мен ҳам ўз агрегатимдан унумли фойдаланиб, ғўзани сифатли культивация қилмоқдаман.

С. ИБРОҲИМОВ,
Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг иккинчи трактор-далачилик бригадаси механизатори.

☆

Буларнинг ҳаммаси сиз учун

Областимизда 16 та олий ўқув юрти бор. Буларда 40 мингдан ортиқ йигит-қиз таълим олмоқда.

Мавжуд 38 махсус ўрта ўқув юртидан истаганингизга кириб, ўқишингиз ва ҳунар ўрганишингиз мумкин.

Область шаҳарларида 118 та маданият саройи ва клублар бор. Буларда ҳар хил тўгараклар ишлаб турибди, уларда турли оммавий-маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Областимизда 191 та колхоз клуби ва 92 та қишлоқ клублари, 10 миллион 82 минг нусха китоб фондига эга бўлган 134 та йирик кутубхона бор.

114 та киноустановка хилма-хил бадиий ва илмий-оммабоп кинофильмлар кўрсатмоқда.

8 та шаҳар ва 24 та район маданият уйи ва бир қанча маданият университетлари бўш вақтларингизни қўнгилли ўтказиш учун хизматда. Бу ерларда коммунистик ахлоқ нормалари тарғиб этилади.

Областнинг шаҳар ва қишлоқларида 165 та ўқишхона ташкил этилган.

Сени демай бўлурми, ёшлик!

Қутлуғ қунинг, улуғ айёмда
Ёшлик, сени демай бўлурми?
Мазмунга бой олтин дамларни
Тилга олмай кўнгил тўлурми?
Сен эртанинг ишқи, илинжи
Ҳаёт борки, ёшлик, сен
борсан,
Нафосотинг, чиройинг билан
Гулсан, гулдан ҳам
бегуборсан.
Сени десам ҳамон юлдузлар
Чаманида — кўкда кезаман.
Ойга ошиқ бўлсам айб эмас
Лочин қанотимсан, сезаман.
Сенинг ўтли қудратинг
билан
Дарё бўлиб тошганман неча.
Юрак дардим эркалаб
шеърий,
Мисраларни яратган кеча —
Сен қонимда, жонимда бўлган
Қадим сирдош. Эслайман
ёшлик.
Иқболинг ҳур, толеинг
кулган,
Баҳоримсан олтин қуёшлик,
Бугун сени табиат ўтли —
Бўронлар ҳам севар
суратинг.
Тўлқин урган шўхликларинг-
ла,
Қалбга қўчган кабк суратинг.
Сен бир умр эзгу орзумсан
Сўнмас меҳринг қалбимда
яшар.
Сени десам сочиш оқи ҳам
Ҳаёлимда менга ярашар.

Толиб ИЎЛДОШ.

Шодиёна кун шарафига

МУНОСИБ СОВҒАЛАР

Областимиз комсомол ва ёшлари Совет ёшлари кунини меҳнат совғалари билан кутиб олдилар.

Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, спорт иншоотлари, маданий-маиший муассасалари учун бичолар қуриш ва дала шийпонларини оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантириш юзасидан область комсомоллари кўпгина ишлар қилдилар. Жумладан, улар ўз кучлари билан 32 та ёзги кинотеатр, 3 та стадион, 100 дан ортиқ спорт майдончалари ва «Пионер» кўлини қуриб битказдилар. Областимиз колхоз ва совхозларида комсомол-ёшлар ташаббуси билан 100 дан ортиқ дала шийпони ремонт қилинди ва жиҳозланди.

И. ЗОКИРОВ.

ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Пойтахтимизда Совет ёшлари куни олдидан «Ёшлар дўстлиги ҳафталиги» ташкил этилди. Ана шу кунга бағишлаб жойларда ёшларнинг дўстлик кечалари бўлиб ўтди. Охунбобоев номли шаҳар маданият уйида ўтказилган дўстлик кечаси ҳам жуда кўнгилли бўлди. Кечада кекса коммунист А. Абдурашидов ёш авлодга революцион воқеалар ҳақида сўзлаб берди. Маданият уйи партия ташкилотининг секретари Шарипова ва бошқа кўпгина кекса коммунистлар сўзга чиқиб ёшларни коммунистик жамият қурилишида актив иштирок этишга чақирдилар.

Шундан сўнг ёшларнинг шодиёнаси бошланиб кетди. Кеча қатнашчиларига «Фоксчи» пьесаси, катта программада концерт кўрсатилди. Турли оммавий ўйинлар ярим тунгача давом этди.

К. НУРЖОНОВ,
В. МАҲАМАТОВ.

Суратда: Тошпўлат Ҳакимов ўз бригадаси аъзолари билан суҳбатлашмоқда.
М. Нуриддинов фотоси.

Ёшлар байрами

Бугун областимизнинг йигит ва қизлари барча совет кишилари қатори Совет ёшлари кунини зўр тантана билан байрам қиладилар. Улар ўз байрамларини ўқишда ва ишлаб чиқаришда ажойиб муваффақиятлар билан нишонламоқдалар.

Техникани тараққий эттириш учун республика комсомол ва ёшларининг юришига қўшилган областимиз саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг ишчи-ёшлари зўр фидокорлик кўрсатиб ишлаб, бу мусобақанинг биринчи ва иккинчи этапида биринчи ўринни олдилар.

Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари унвонини олиш учун кураш областимиз ёшлари ўртасида тобора кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги пайтда 1200 дан ортиқ ёшлар коллективи бу шарафли унвон учун мусобақалашмоқда. Булардан 72 тасига коммунистик меҳнат бригадаси унвони берилди.

Ўртоқ Маринников бошчилигидаги тепловозчилар, Чертаковцев бошчилигидаги экскаваторчилар, Алиев бошлиқ скреперчилар, Бекиров бошлиқ трактор-далачилик бригадалари коммунистчасига ишлаш, яшаш ва ўқишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Металлургларимизга темир-терсак йиғиб бериш учун областлараро мусобақада бизнинг областимиз республикада биринчи ўринни эгаллади. Темир-терсак йиғиш уч ойлиги мобайнида «Узглавтормет» майдонларининг ўзидан 2575 тонна керексиз ётган металл йиғиб олинди.

Тошкент область комсомол комитети шу йил 20 июндан 1 июлгача темир-терсак йиғиш ва топшириш ўн кунлигини эълон қилди. Совет ёшлари куни шарафига эълон қилинган бу зарбдорлар декадаси ҳали тугаганича йўқ, аммо ҳозирнинг ўзида мўлжалланганидан кўпроқ металл йиғиб топширилди.

Қишлоқ ёшлари ва комсомол ташкилотлари пахтачиликни комплекс механизациялаш, оз меҳнат ва оз маблағ сарфлаб кўп ҳамда сифатли маҳсулот олиш учун ўзаро социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Бўка, Оққўрғон, Пискент, Боёвут ва бошқа районларнинг комсомол ва ёшлари пахтани машинада териш юзасидан олинган мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида ихтисослаштирилган ремонт бригадалари тузиб, 15 августгача пахта териш машиналарини ремонтдан чиқариш учун астойдил курашмоқдалар. Қишлоқ ёшлари орасида пахтачилик, чорвачилик ва пиллачилик новаторлари кўпроқ етишиб чиқмоқда. Сабзавот, картошка ва қовун-тарвуз мўл-кўлчилигини яратиш учун курашда областимиз ёшлари, айниқса қорасувлик комсомол ва ёшлар зўр ташаббус кўрсатмоқдалар.

Совет ёшлари куни — йигит ва қизларимизнинг талант ва қобилиятларига кўрик куни, уларнинг жамоат ишларида, маданий қурилиш, физкультура ва спорт соҳасида эришган муваффақиятларига кўрик кунидир. Шунинг учун ҳам бу катта тантана кунини уюшқоқлик билан, завқли ва нашъали ўтказиш учун область комсомол ташкилотлари пухта тайёргарлик кўрдилар.

1, 3- ва 4- «Боёвут» совхозларида бу байрам Дўстлик куни шиори остида ўтади. Боёвут район ёшлари ўз байрамлари шарафига 25 гектар ерда «Дўстлик боғи» ташкил этдилар. Бу боққа улар 150 минг туп ҳар хил мева ва декоратив дарахт кўчатлари ўтқазидилар. Район ёшларининг бугунги байрамида волейбол, футбол, баскетбол мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари чиқишлари бўлади. Бу тантана маросимида қардош республикалар ва Болгария ёшлари ҳам иштирак этадилар.

Сирдарё, Янгийўл, Қорасув ва Гулистон районларида Совет ёшлари куни район ёшларининг фестивали билан қўшиб ўтказилади. Бугун бу районларнинг ёш талантлари ва ҳаваскорлари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

Чирчиқ шаҳар комсомоллари ёшлар куни шарафига ўз шаҳарларини обод қилиш, спорт иншоотлари ва болалар майдончалари қуриш учун юриш бошладилар ва бу соҳада анча самарали ишлар қилдилар. Бугун улар ўзлари қурган стадионларда, ўзлари обод қилган ва безаган истироҳат боғлари ва хиёбонларда ҳузур қилиб дам оладилар.

Олмалиқ шаҳар ёшларининг байрами волейбол бўйича шаҳар кубоги учун финал мусобақаси билан бошланади. Ранг-баранг байроқчалар, шиорлар ва муаттар гуллар билан безанган шаҳар маданият ва истироҳат боғида ёшларнинг оммавий сайли бўлади. «Алмаликсвинецстрой» трестининг 16 та бошланғич комсомол ташкилоти вакиллари бугун энг яхши бадиий ҳаваскорлик тўгараги номини олиш учун басма-баслашадилар.

Республикамиз пойтахтида ёшлар куни айниқса зўр шодиёнага айланади. Шаҳардаги барча районларда ёшлар фестивали эрталабдан тун яримгача давом этади. Бунда ёшлар ҳафталигини бирга ўтказиш учун республикамизга меҳмон бўлиб келган 15 кардош республика ҳамда Москва ва Ленинград областлари ёшларининг делегациялари ҳам қатнашадилар.

Кечқурун Горький номли маданият ва истироҳат боғида ёшлар ҳафталиги якунланади. У ерда турли оммавий ўйинлар, шаҳар ёш моҳир санъатчилари ва спортчиларининг ҳамда ёзувчиларнинг чиқишлари, коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари ва комсомол ветеранлари билан учрашувлар бўлади.

Йигит-қизлар! Шодиёна байрамингиз қутлуғ бўлсин, қувноқ қўшиқларингиз тинчлик, осойишталикни, Ватанимиз куч-қудратининг улуғворлигини тараннум этсин!

Н. ЖАЛОЛОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг секретари.

Чет элларда

Германия Демократик Республикаси Министрлар Советида

БЕРЛИН, 26 июнь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси ҳузуридаги Матбуот бошқармаси Министрлар Советининг мажлиси тўғрисида ахборот эълон қилди. Министрлар Советининг бу мажлисида Министрлар Совети раиси Отто Гротеволь Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визити натижалари тўғрисида доклад қилди.

Бу визит, деди Министрлар Советининг раиси, немис ва совет халқлари ўртасида дўстлик тантанаси бўлди. Москвада ёки Горькийда, Украина ССР ёки Латвия ССРда ҳамма жойда совет кишилари делегацияни самимий ва қизғин кутиб олдилар.

О. Гротеволь Германия Демократик Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган сафарига иккала давлат ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш ишига қўшилган катта ҳисса, деб баҳо берди ҳамда германсовет дўстлиги немис халқи учун ҳаётий аҳамиятга эга, деб таъкидлади. У герман-совет дўстлиги Германия Демократик Республикасининг социализм қурилишига ва тинчликни сақлашга қаратилган сиёсатининг асосий таркибий қисмидир, деди.

Министрлар Советининг раиси совет халқи вакиллари билан олиб борилган ва самимий вазиятда ўтган музокаралар ҳақида ахборот берди. У Германия билан сулҳ шартномаси тузилмасдан туриб ва Ғарбий Берлиндаги оккупация режимини тугатмасдан туриб Германияда ва бутун Европада аҳволни тубдан яхшилашга эришиш мумкин эмаслиги ҳақида тўла якдиллик борлигини таъкидлади. Германия билан сулҳ шартномаси тузиш — Европада тинчликни мустаҳкамлашга олиб келадиган ва айни бир вақтда Германиянинг тинчликсевар ва демократик давлат сифатида миллий жиҳатдан қайта тикланишини енгиллаштирадиган энг қисқа йўлдир.

Сўнгра О. Гротеволь Германия масаласини тинч йўл билан бартараф қилиш тўғрисидаги Германия Демократик Республикаси ва Совет Иттифоқининг Женевадаги делегациялари томонидан тақдим этилган таклифларга батафсил тўхталиб ўтди.

Министрлар Совети Отто Гротеволнинг докладини маълумотга олди ва маъқуллади, шунингдек Москвада имзоланган ахборотни маъқуллади.

Министрлар Совети қарор қабул қилиб, дўстликнинг ана шу янги намойиши учун совет халқига ташаккур изҳор қилди. Сўнгра ахборотда Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Лотар Больцнинг Министрлар Советига Женева кенгашининг бориши ҳақида ахборот берганлиги айтилади.

Министрлар Совети, дейилади ахборотда, 13 июлда Женевада янгидан бошланадиган музокараларда қатнашадиган Германия Демократик Республикаси делегациясига немис халқининг сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги ва Ғарбий Берлин масаласини ҳал этиш ҳақидаги ҳаққоний талабларини бундан буён ҳам ҳимоя қилиш ваколатини берди. Делегация бу масалаларнинг ҳал этилишини яқинлаштира оладиган ҳамма ғаоларни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, бундан аввал бўлганидек, бундан буён ҳам умумгерман комитети тузишни зарур деб ҳисоблайди.

Президент Сукарно нутқи

ХАНОЙ, 26 июнь. (ТАСС). Ҳозирги вақтда Вьетнам Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турган Индонезия Республикасининг президенти Сукарно Ханойдаги Марказий университетнинг студентлари олдида сўзга чиқиб, атом ва водород қуролини қўлланишга қарши курашни кучайтиришга чақирди. Ҳозирги вақтда жаҳон атом ва водород бомбасидан қўрқиш шароитида яшамоқда, деди у, шунинг учун ҳам Индонезия халқи ва Вьетнам халқи атом ва водород бомбалари синовларига ва улардан фойдаланишга қарши астойдил курашмоқдалар ҳамда тинчликни талаб қилмоқдалар.

Президент Сукарно шу нарсани таъкидлаб айтдики, империализм ва мустамлакачилик жон талвасасида турган бўлса ҳам, ҳали мавжуддир. Янги дунё барпо этиш учун, ана шу дунё учун курашмоқ керак.

Франция Коммунистик партиясининг XV съездида

ПАРИЖ, 26 июнь. (**ТАСС мухбири**). Франция Коммунистик партияси съездининг кундузги ва кечки мажлисларида Марказий Комитет бош секретари Морис Торез доклади юзасидан музокаралар давом этди. Турли департаментлардаги партия ташкилотларининг вакиллари ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг моддий аҳволи ёмонлашаётганлиги тўғрисида, ишлаб чиқаришнинг капиталистик концентрацияси кучаяётганлиги ва меҳнаткашларни эксплуатация қилиш кучайганлиги ҳақида гапирдилар. Эн департаменти коммунистик федерациясининг вакили Машюра бундай шароитда коммунистлар, социалистлар ва бошқа республикачилар меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги талабларини қондириш учун биргаликда кураш олиб бориш мақсадида тобора кўпроқ бирлашмоқдалар, деб таъкидлади.

Поль Лоран (Париж федерацияси) ўз нутқида Франция йирик буржуазиясининг идеологик таъсирига дуч келаётган ёшлар проблемалари ҳақида гапирди. Нотиқ айтиб ўтдики, бу таъсир ёшларни Жазоирдаги урушда қатнашишга жалб этиш ва умумий милитаризация йўли билан амалга оширилмоқда. Лоран шу муносабат билан, ҳарбий министр хомийлиги остида «ҳарбий ёшлар комиссияси» деб аталган комиссия тузилганлигини, ёшлар учун ҳарбий тайёргарлик уюштирилганлигини ва ёш бўғинни контроль остига олишга қаратилган ҳар хил тадбирларни эслатиб ўтади.

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва «Юманите» газетасининг директори Этьен Фажон ўз сўзида коммунистлар билан социалистлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида гапирди.

Польша Бирлашган ишчи партияси номидан Зенон Клишко, Италия Коммунистик партияси номидан Пьетро Инграо Франция Коммунистик партиясининг XV съездини табрикладилар.

Бундан ташқари, Испания, Греция, Вьетнам Демократик Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияларидан олинган табрикномалар ўқиб эшиттирилди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Кеча Тошкент шаҳри ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлди. Кундуз соат 12 да Тошкентда 32 даража, областда 32—35 даража иссиқ бўлди.

Бугун Тошкентда ва областда ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Тошкентда 37—39 даража, областда 35—39 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари:
М. ҚОРИЕВ.

Телевизор экранида

28 ИЮНДА

12.00. «Баҳор овозлари» деган бадиий фильм.
13.30. Мактаб ёшидаги болалар учун «Пионерлар лагерида» деган эшиттириш.
19.00. «Совет жангчиси» телевизион журналининг 6-сони.
20.00. Киножурнал.
20.10. Сўнгги ахборот.
20.25. Ёшлар учун концерт.
21.25. «Биз Москвада дўстлашдик» деган бадиий фильм.

Тошкентнинг тароша заллари ва саҳнасида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/VI да **Богема.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 28/VI да **Фарғона ҳикояси**, 29/VI да **Азиз ва Санам.**

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 да кенг экранли ҳужжатли фильм **Симферополь — Алушта — Севастополь**, кундуз ва кечқурун **Тузалгани тўғри**, кеч соат 9 да **Қочқин**, кеч 10-40 минутда **Турналар учади.**

«ВАТАН», КАФАНОВ номли, «ФЕСТИВАЛЬ», «УДАРНИК» — **Тузалгани тўғри.**

«ОКТЯБРЬ» — **Қутлуғ қон** (ўзбек тилида).

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Тузалгани тўғри**, кеч соат 9-15 минут ва 11 да **Биринчи эшелон.**

Махсуслаштирилган
«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ТРЕСТИГА
Тошкентда ва жойларда ишлаш учун тажрибали **электрик инженерлар**
КЕРАК
Каблуков кўчаси, 43-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«ТАШХЛЕБТОРГ»ГА СОТУВЧИЛАР КЕРАК
Адрес: Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, Челябинский тупик, 8-уй.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА
ТЕЗ КУНДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Б. Авезов ва **Т. Хўжаев** асари
ФУРҚАТ
4 пардали драма.
Саҳнага қўювчи — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Т. Хўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССР халқ рассоми **Х. Икромов.**
Коллектив бўлиб келиш учун 43-333, 41-551-телефон орқали заявкалар қабул қилинади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ
КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА
ДЕНГИЗ ҚОНУНИ
НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.
Сценарий авторлари — **Хаим Оливер, Анжел Вагенштайн.**
Режиссёр — **Яким Якимов.**
Оператор — **Георги Карайорданов.**
Ролларда:
Георги Георгиев, Богомил Симеонов, Ани Дамянова, Стефан Петров, Никола Дадов, Георги Попов, Димитр Бочев, Стефан Великов, Мил. ка Туйковалар қатнашади.
Фильмни Болгариянинг Софиядаги Бадиий фильмлар студияси 1958 йилда ишлаган, М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.
Дубляж режиссёри — **Г. Шепотинник**, овоз операторлари — **К. Амиров.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
ТЕЗ КУНДА
В. Винников ва **Ю. Оснос** асари
(қинд классик драмаси асосида)
ОҚ НИЛУФАР
4 парда, 7 кўринишли музикали драма.
Аҳмад Бобожонов ва **Раззоқ Ҳамроев** таржимаси.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Пўлатжон Раҳимов** ва композитор **Ҳамид Раҳимов** музикаси.
Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев**, дирижёрлар — **Н. М. Гинзбург**, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист **Ф. Назаров**, рассом — **Г. А. Визель**, балетмейстер — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Розия Каримова.**
Коллектив бўлиб келиш учун 43-001, 43-161-телефон орқали заявкалар қабул қилинади.

Тошкентдаги
«ГОРОСВЕШЧЕНИЕ» КОНТОРАСИГА
электрик инженерлар ва техниклар, ҳар хил разрядли электромонтёрлар, шоферлар, суворчи, автослесарь, сваркачи, мотоцикл ҳайдовчи, ёрдамчи ишчилар, электромонтёр шогирдлари, рассильная
КЕРАК
Адрес: Пролетар кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 290.40, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50 Эълонлар бўлими — 28142.

Р-01394. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1623.